

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

41-сон  
(1165)  
2024 йил  
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-хуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

352. «Хуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-972-сон Қонуни
353. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-973-сон Қонуни
354. «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-974-сон Қонуни

**Бешинчи бўлим**

355. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi direktorining 2024-yil 9-sentabrdagi 2024/4-son “Yolg‘iz keksalar va nogironlarni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tizimidagi “Muruvvat” internat uylariga rasmiy lashtirish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar va qo‘srimcha kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 7-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2785-3*)
356. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 21 августдаги 167-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруқ, шунингдек унга ўзгариши ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1111-2*)
357. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 21 августдаги 168-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3558*)
358. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 4 сентябрдаги 8-сон “Акциядорлик жамиятлари ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режасини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 8 октябряда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3559*)
359. O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasining 2024-yil 27-sentabrdagi 03/05-05/01-son “Iste’molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o‘rganish, ko‘rik) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 11-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2196-4*)
360. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 10 октябрдаги 27-мҳ-сон “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруққа ўзгариши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3292-1*)

361. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruving 2024-yil 9-sentabrdagi 28/1-son “Bank xizmatlari iste’molchilari bilan o‘zaro munosabatlarni amalga oshirishda tijorat banklarining faoliyatiga qo‘yiladigan minimal talablar to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimcha kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 11-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3030-9*)
362. Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 2 октябрдаги 2-сон “Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган отинойиларга маҳсус лицензиялар бериш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 978-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

**352** Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш бўйи-  
ча қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати  
билиан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўз-  
бекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги  
кодексига ўзгариши ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
7 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 10 июля  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш бўйича ижобий натижаларга эришилмоқда.

Шу билан бирга мазкур ислоҳотлар доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, шунингдек фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат туйғусини сингдириш борасидаги ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятигининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасдан баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ жиноий қилмишни жиноий жазо таркибидан чиқариб, уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказиши, шунингдек мазкур ҳуқуқий нормани янги тавсифий белгилар билан тўлдиришни, ярашув институтига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар доирасини кенгайтиришни назарда тутувчи ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга, мамлакатимизда криминоген вазиятнинг яхшиланишига ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича ярашув институтининг таъсир этиш доирасини кенгайтиришга хизмат қилади.

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 8 октябрда эълон қилинган.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) **109-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсан:

**биринчи қисм** чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисм биринчи қисм** деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- диний таассублар замирида;
- бир гурух шахслар ёки уюшган гурух аъзоси томонидан ёхуд шу гурух манфаатларини кўзлаб;
- қуролни ёки совук қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, —

бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534,

535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 246-моддалар) куйидаги ўзгартериш ва қўшимча киритилсин:

**1) 21<sup>2</sup>-модданинг биринчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 40-моддасида (тұхмат), 41-моддасида (ҳакорат қилиш), 45-моддасида (фуқароларнинг туар жойи дахлсизлигини бузиш), 46-моддасида (фуқарога маънавий ёки моддий заар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш), 46<sup>1</sup>-моддасида (шахсий хаёт дахлсизлигини бузиш), 52-моддасида (енгил тан жароҳати етказиш), 61-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (оз миқдорда талон-тарож қилиш), 61<sup>2</sup>-моддасида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга заар етказиш), 62-моддасида (топиб олинган мол-мулкни яшириш), 104-моддасида (экинзорларни пайхон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига заар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш), 121-моддасида (транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш), 133-моддасида (транспорт воситалари хайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий заар етказилишига олиб келиши), 134-моддасида (хайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши), 183-моддасида (майда безорилик), 200-моддасида (ўзбошимчалик) назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган заарни бартараф этса, маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкин»;

**2) 52-модда** куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг иккинчи қисмida назарда тутилган хуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий хисоблаш миқдорининг беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишиларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 7 октябрь,  
ЎРҚ-972-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**353 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
16 июля қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 20 сентябрда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффоффликни таъминлашга, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилишга ҳамда уларни бозор активига айлантиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ижарага оловчи томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишнинг (қайта ижарага беришнинг) ҳуқукий асосларини белгилаш ҳамда ер участкаларини бериш шартларини янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва бошка қонунларига ижарага оловчи томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ер участкасидан фойдаланиш максадлари ўзгартирилмаган ҳолда бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкинлигини, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очик электрон танлов ўрнига электрон онлайн-аукционлар жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойихасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага беришда ижарага оловчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига маблағлар тўланиши назарда тутилмоқда.

Мазкур Қонун ер муносабатларида тенглик ва шаффоффликни таъминлашга, шунингдек ер участкаларини ижарага бериш шартларини янада такомиллаштиришга хизмат қиласди.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-I-сонли Қонуни билан тасдиqlанган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 10 октябрда эълон қилинган.

Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 919-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **23-модда иккинчи қисмининг 3-бандидаги «очик электрон танлов ва»** деган сўзлар чиқариб ташлансан;

**2) 24-модда:**

**иккинчи қисмининг:**

**1-бандидаги «очик электрон танлов»** деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**2-банди:**

**учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансан;

**тўртинчи хатбошиси учинчи хатбоши** деб ҳисоблансан;

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Киймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга ер участкала-рини ижарага беришда ушбу ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланадиган миқдордаги маблағ ижарага олувчи томо-нидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўланади. Йирик ин-вестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгила-нади»;

**учинчи — ўн еттинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — ўн сакки-зинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Киймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади»;

**бешинчи — ўн саккизинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи — ўн тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

**олтинчи қисмининг иккинчи жумласи** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Мазкур шахслар (бундан халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар мустасно) ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланадиган миқдордаги маблағларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлаши керак»;

қўйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсинг:

«Ер участкасига ижара ҳуқуқининг бозор қийматига нисбатан тегишли коэффициентини белгилашда ер участкасининг тупроқ бонитировкаси, маъмурӣ-худудий тузилиши ва инфратузилма объектлари мавжудлиги инобатга олинади.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланган миқдордаги маблағлар суммаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорида кўрсатилиши шарт»;

**еттинчи — ўн тўққизинчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи — йигирма биринчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

**тўққизинчи қисмидаги** «иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «иккинчи, тўртинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**ўн иккинчи қисмидаги** «тўққизинчи қисмида» деган сўзлар «ўн учинчи ва ўн тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

қўйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ушбу Кодекснинг 24<sup>5</sup>-моддасида белгиланган тартибда ижарага оловчи томонидан бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкин»;

**ўн тўртинчи — йигирма биринчи қисмлари** тегишинча **ўн бешинчи — йигирма иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

3) қўйидаги мазмундаги **24<sup>5</sup>-модда** билан тўлдирилсан:

**«24<sup>5</sup>-модда.** **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига** нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижаракиси ижарага олиш шартномаси бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ер участкасидан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартиргмаган ҳолда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси муддати доирасида бошқа шахсга ўтказиши (қайта ижарага бериши) мумкин, бундан ушбу Кодекс 24-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Бунда:

ижарага оловчи ер участкасидан камида уч йил ўзи фойдаланган бўлиши шарт, мазкур муддат ер участкасига бўлган ижара ҳуқуки давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ҳисобланади;

юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион, очиқ электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорларига кўра тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) ер участкасига бўлган ижара ҳуқуки давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан беш йилдан кейин йўл қўйилади;

ижарага олувчи очиқ электрон танлов натижаларига кўра ижара муддати бўйича тенг тақсимланадиган қўшимча тўловларни ёки электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган тўловларни бир йўла тўлаши шарт.

Кишлок хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан хуқуклар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қайта ижарага бериш натижасида вужудга келган ижара хуқуки рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ер участкасининг ижарага олувчиси ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборот (хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлган ҳужжат илова қилинган ҳолда) тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига электрон тарзда юборилади.

Кишлок хўжалигига мўлжалланган ижарага олинган ер участкасига нисбатан ўз хуқуклари ва мажбуриятларини ижарага олувчи томонидан бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

4) **29-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «24-моддасининг тўққизинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар «24-моддасининг ўн учинчи қисмида ҳамда 24<sup>5</sup>-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **30<sup>5</sup>-модданинг олтинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда оммавий сервитут мақсадларида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун қонунчиликда белгиланган қурилиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш зарур»;

6) **36-модданинг:**

**биринчи қисми:**

**7-бандидаги** «бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодалангандা» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**12-банди** чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

**учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига эгалик қилиш хуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш хуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 5-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза килиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, хукуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш хуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш хуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 6 — 11-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш

ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахслар ер участкалариiga эгалик қилиш хукукини, ер участкаларидан доимий ёки вактинча фойдаланиш хукукини тутатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин»;

**бешинчи қисмидаги** «Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6 — 10, 12, 13-бандларида» деган сўзлар «Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6 — 10, 13-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **39-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **10-банд** билан тўлдирилсин:

«10) ер участкасига нисбатан ижара шартномасидаги ўз хуқуqlари ва мажбуриятларини белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)»;

8) **49-модданинг олтинчи қисмидаги** «очик электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **53-модданинг иккинчи қисмидаги** «очик электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **87-модда:**

**учинчи қисмининг:**

**иккинчи ҳатбошиси** чиқариб ташлансин;

**учинчи — еттинчи ҳатбошилари** тегишинча **иккинчи — олтинчи ҳатбошилар** деб ҳисоблансан;

**тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сугориладиган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни барча ҳолларда барча шахслар томонидан қопланади, бундан жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ҳоллари мустасно»;

11) **90-модданинг:**

**бириинчи қисмидаги** «шунингдек ер участкасини ижарага олиш хукукини гаровга қўйиш» деган сўзлар «ер участкасини ижарага олиш хукукини гаровга қўйиш, шунингдек ижарага берилган ер участкасига нисбатан хуқуqlар ва мажбуриятларни белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми ўн учинчи ҳатбошисидаги** «очик электрон танловлар ва» деган сўзлар чиқариб ташлансан.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги 602—I-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-II-сонли Конуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда;

2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 9, 540-модда, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қўйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

**2) 11-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3) 16-модда биринчи қисмининг:**

**бешинчи хатбошиси** қўйидаги мазмундаги **бешинчи ва олтинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни мустақил равища амалга ошириш;

маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарни ва ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) истеъмолчиларини мустақил равища танлаш»;

**олтинчи — ўн тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи — йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансан; қўйидаги мазмундаги **йигирманчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ижара хуқуки асосида тегишли бўлган ер участкасига нисбатан хуқуқлари ва мажбуриятларини ер участкасининг асосий мўлжалланган мақсадини сақлаб қолган ҳолда, ижара шартномаси амал қиласиган муддатга бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)»;

**йигирманчи хатбошиси йигирма биринчи хатбоши** деб ҳисоблансан.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майдада қабул қилинган **«Яйловлар тўғрисида»**ги ЎРҚ-538-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 263-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 577-модда) **13-моддасининг иккинчи қисмидаги** «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган **«Дехқон хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ-680-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 286-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 11, 919-модда) **22-моддасининг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«дехқон хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллан-

ган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ер участкасининг асосий мўлжалланган мақсадини сақлаб қолган ҳолда, белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июнда қабул қилинган «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ-781-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 6, 576-модда) **23-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «(бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги ЎРҚ-803-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 11, 1064-модда) қўйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **10-модданинг олтинчи хатбошиси** «ижара ҳуқуқи» деган сўзлардан кейин «шу жумладан ижарага олинган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) натижасида юзага келадиган ижара ҳуқуқи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **31-модда** қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) натижасида юзага келадиган ижара ҳуқуқи ни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ушбу Конуннинг 33-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар асос бўлади»;

3) **33-модда** қўйидаги таҳтирида баён этилсин:

**«33-модда.** **Хусусийлаштирилган ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи ҳужжатлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Хусусийлаштирилган ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи ҳужжатлар қўйидагилардан иборат:

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқнинг нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномаси;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни ҳадя этишга оид нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни айирбошлашга оид нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқнинг бошқа шахсга рента хақи тўланиши шарти билан берилиши назарда тутиладиган, нотариал тартибда тасдиқланган рента шартномаси;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни тўғрисидаги ҳамда эр-хотиннинг умумий мулкида бўлган хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг тегишли қисмига бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган гувоҳнома;

хусусийлаштирилган ер участкасини унда жойлашган бино ва иншоот билан бирга ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида бериш тўғрисидаги (агар бу турар жой обьекти бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган) шартномаси;

хусусийлаштирилган ер участкасини унда жойлашган бино ва иншоот билан бирга ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни муассисга қайтариб бериш тўғрисидаги (агар бу турар жой обьекти бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган) шартномаси;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкида бўлган (хусусийлаштирилган), бўш турган ер участкаларини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни реализация қилиш бўйича суд қарорларини ва бошқа органларнинг қарорларини ижро этиш мақсадидаги савдолар якунлари тўғрисидаги баённома;

суднинг қарори ёки давлат ижроининг қарори ёхуд хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини, ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни бериш тўғрисида ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган, давлат ижроини томонидан тасдиқланган далолатнома».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### **8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 1-моддаси 2-бандининг саккизинчи хатбошисида назарда тутилган Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартибини ушбу Қонун кучга кирганидан кейин бир ой ичida ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 1-моддаси 3-бандининг тўққизинчи хатбошисида назарда тутилган Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ижарага олинган ер участкасига нисбатан ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ижарага оловчи томонидан бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) тартибини ушбу Қонун кучга кирганидан кейин бир ой ичida ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўл-

ган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**9-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 9 октябрь,  
ЎРҚ-973-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОNUНИ

# 354 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларирига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
16 июля қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 21 сентябрда  
маъқулланган

Давлат чегараси давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш бўйича энг муҳим вазифаларини бажариб, у мамлакатнинг давлат, ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги хавфсизлиги билан бевосита боғлиқdir.

Мамлакатимизда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш асослари, мазкур соҳадаги ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ўтказиш пунктлари орқали кесиб ўтаётган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан шахсларнинг, транспорт воситаларининг ҳамда товарларнинг ўтказилишини вақтинча чеклашга ёки тўхтатиб туришга доир асосларнинг батафсил рўйхати белгиланди.

Шу билан бирга ҳуқуқни қўллаш амалиётида Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасига доир алоҳида тушунчалар турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларининг баъзи нормаларини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиришни на- зарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги тушунчаларнинг аниқ ҳамда бир хил қўлланилишига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ваколатларини аниқлаштиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги 407-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 10 октябрда эълон қилинган.

Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 7, 536-модда) **5-моддаси биринчи қисми 11-бандининг ўзбекча матни** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, № 4, 293-модда, 4-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда) **92-моддасининг биринчи қисмидаги** «Давлат хавфсизлик хизмати органлари, божхона муассасалари ва чегара қўшинларига» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик хизмати органлари ва божхона органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда,

№ 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) **223-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**биринчи қисмнинг диспозициясидағи** «чегарадан» деган сўз «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисм диспозициясининг «а» банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ёриб ўтиш йўли билан».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда,

№ 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда)

**39<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмининг 6-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари — Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-модда

далар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 287-модданинг:**

**2-бандидаги** «чегара қўшинлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4-бандидаги** «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 289-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3) 291-модданинг:**

**биринчи қисми:**

**«б» бандидаги** «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**«е» бандидаги** «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4) 346<sup>1</sup>-модданинг учинчи хатбошисидаги** «Чегара қўшинлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5) 346<sup>2</sup>-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «Давлат че-

гараисидан ўтказиш пункти орқали» деган сўзлар «Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган **«Ўсимликлар карантини тўғрисида»**ги 113-I-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ-484-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 429-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 1-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда) **14-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**номининг ўзбекча матнидаги «Республикаси»** деган сўз **«Республикасининг»** деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«Ўсимликлар карантини чегара пункти ўтказиш пунктларида, ички худудлараро чегара пунктларида ташкил этилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан хоналар билан, текширувлар ўтказиш ва на- муналар олиш, фитосанитария экспертизасини ҳамда фумигация ишларини амалга ошириш учун воситалар, алоқа воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминланади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Темир йўл транспорти тўғрисида»**ги 766-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 118-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2011 йил, № 9, 246-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **22-модданинг учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси чегараларини»** деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги «божхона, чегара органлари»** деган сўзлар «божхона органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12,

452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 21-модда иккинчи қисми 7-бандининг биринчи хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари»;

**2) 42<sup>1</sup>-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «Давлат чегарасини қўриқлаш органларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «Давлат чегарасини қўриқлаш органларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «Давлат чегарасини қўриқлаш органларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ-400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда; 2022 йил, № 2, 75-модда, № 7, 666-модда, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 12, 1010, 1011-моддалар; 2024 йил, № 1, 5-модда, № 2, 111, 113-моддалар) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 16-модда биринчи қисми учинчи хатбошисининг ўзбекча матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«транспорт воситасининг божхона чегарасини кесиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўtkазиш пунктига кириши»;

**2) 179-модданинг учинчи қисмидаги** «чегара қўшинлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3) 180-модданинг учинчи қисмидаги** «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 июлда қабул қилинган «Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-626-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 446-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда) **3-моддасига** қуидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

қуидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

**«делимитация қилиш** — Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатлар ўртасида тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси чизифини аниқлаш, унинг ўтишини тавсифлаш ва уни харитада график тарзда акс этириш;

**демаркация қилиш** — Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатлар ўртасида тузилган делимитация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ чегара белгиларини ўрнатиш ўйли билан жойларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси чизифини белгилаш;

**еттинчи** — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи — **йигирма биринчи хатбошилар** деб хисоблансан;

қуидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

**«редемаркация қилиш** — чегарадош давлатлар билан келишувга кўра маҳсус ташкил этилган ҳукуматлараро комиссиялар томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда, жойларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси чизифини тиклаш ва уни чегара белгилари билан белгилаш, шунингдек йўқотилган чегара белгиларини тиклаш, қўшимча чегара белгиларини ўрнатиш»;

**ўн учинчи** — **йигирма биринчи хатбошилар** тегишинча **ўн тўртинчи** — **йигирма иккинчи хатбошилар** деб хисоблансан;

**йигирма биринчи** ва **йигирма иккинчи хатбошлар** чиқариб ташлансан.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 8 июлда қабул қилинган «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги ЎРҚ-627-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 447-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда) **9-моддаси учинчи қисми ўнинчи хатбохисининг ўзбекча матнидаги «олди» деган сўз чиқариб ташлансан.**

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги ЎРҚ-692-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси па-

латаларининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 6, 519-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **13-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «чизиқларида»** деган сўз «минтақаларида» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **29-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«агар шахс ўзи ҳақида била туриб сохта маълумотлар берган бўлса, қалбаки ҳужжатларни тақдим этган бўлса ёки зарур ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса ёхуд биометрик маълумотларни топширишни рад этаётган бўлса»;

3) **32-модда тўртинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «ўтиш»** деган сўз «ўтказиш» деган сўз билан алмаштирилсин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги ЎРҚ-763-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 338-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда) **218-моддасининг еттинчи қисмидаги «Давлат чегарасини қўриқлаш органларига»** деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминласин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирунин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**16-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 10 октябрь,  
ЎРҚ-974-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI HUZURIDAGI IJTIMOIY HIMoya MILLIY  
AGENTLIGI DIREKTORINING  
BUYRUG'I

**355** “Yolg‘iz keksalar va nogironlarni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tizimidagi “Muruvvat” internat uylariga rasmiylashtirish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar va qo‘srimcha kiritish to‘g‘risida”\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 7-oktabrda ro‘yxatdan o’tkazildi, ro‘yxat raqami 2785-3*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 24-iyuldagagi 447-son “O‘zbekiston Respublikasida ixtisoslashtirilgan psixiatriya va narkologiya xizmatini ko‘rsatishning yagona tashkiliy-uslubiy vertikal boshqaruvin tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi hamda 2021-yil 17-sentabrdagi 575-son “O‘zbekiston Respublikasi Ijtimoiy himoya sohasidagi ayrim tibbiy-ijtimoiy muassasalar faoliyatini tartibga soluvchi nizomlarni tasdiqlash haqida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi sog‘lijni saqlash vazirining 2016-yil 27-apreldagi 50-son “Yolg‘iz keksalar va nogironlarni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tizimidagi “Muruvvat” internat uylariga rasmiylashtirish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 2785, 2016-yil 12-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 19-soni, 217-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘srimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Direktor**

**M. OLLOYOROV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 9-sentabr,  
2024/4-soni

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 9-oktabrda e’lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi

Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy

agentligi direktorining 2024-yil 9-sentabrdagi

2024/4-son buyrug'iga

ILOVA

**"Yolg'iz keksalar va nogironlarni O'zbekiston Respublikasi  
Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tizimidagi  
"Muruvvat" internat uylariga rasmiylashtirish qoidalarini tasdiqlash  
haqida"gi buyruqqa kiritilayotgan o'zgartirishlar va qo'shimcha**

1. Buyruqning nomi va 1-bandidagi "Yolg'iz keksalar va nogironlarni" degan so'zlar "Ruhiyatida sezilarli yoki ancha sezilarli nuqsonlari mavjud nogironligi bo'lgan shaxslarni" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Qoidalarda:

a) nomidagi "Yolg'iz keksalar va nogironlarni" degan so'zlar "Ruhiyatida sezilarli yoki ancha sezilarli nuqsonlari mavjud nogironligi bo'lgan shaxslarni" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

b) 2-band "Prezidenti huzuridagi" degan so'zlardan oldin "O'zbekiston Respublikasi" degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

d) ilovaning ilova belgisidagi "Yolg'iz keksalar va nogironlarni" degan so'zlar "Ruhiyatida sezilarli yoki ancha sezilarli nuqsonlari mavjud nogironligi bo'lgan shaxslarni" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

e) ilovaning 2-bandidagi "Ruhiy-asab kasalliklari dispanseri Tibbiy-maslahat komissiyasi xulosasi" degan so'zlar "Respublika ixtisoslashtirilgan ruhiy salomatlik ilmiy-amaliy tibbiyot markazining psixiatriya xizmati bo'yicha Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar filiallari Tibbiy-maslahat komissiyasi xulosasi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**356** «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида<sup>\*</sup>

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1111-2*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Конуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофик **буюраман**:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1111, 2002 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002, 5-сон);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 26 апрелдаги 29-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1111-1, 2006 йил 19 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 241-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 21 август,  
167-сон

*Келишилди:*

*Марказий банк раиси*

*M. НУРМУРАТОВ*

2024 йил 19 август

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 10 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**357**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва  
ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3558*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Конуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитаси билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодиёт ва молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 21 август,  
168-сон

*Келишилди:*

*Ҳисоб палатаси раиси*

**A. БОБОЕВ**

2024 йил 24 июль

*Солик қўмитаси раиси*

**Ш. КУДБИЕВ**

2024 йил 14 август

\* Ушбу буйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 10 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
21 августдаги 168-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини  
тузиш ва ижро этиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига (бундан буён матнда Бюджет кодекси деб юритилади) мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади), давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг бюджетларини тузиш ва ижро этиш тартибини белгилайди.

**I бўлим. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Давлат бюджети** — давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси;

**бюджет тизими бюджетлари** — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари;

**Давлат бюджетини тузиш** — ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш, бюджетдан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини етказиш ва бюджет сўровини тақдим этиш, Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиши, қабул қилинган Давлат бюджетини бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет маблағлари олувчиликарга етказиш ҳамда даромадлар ва харажатлар ёйилмасини тузиш босқичларини қамраб олувчи жараён;

**Давлат бюджетини ижро этиш** — бюджет тизими бюджетлари даромадларининг тушишини таъминлаш ва харажатларини амалга ошириш билан боғлиқ операцияларни хисобга олишни назарда тутадиган жараён;

**режали бюджет ссудаси** — даромадларнинг прогноз қилинган тушумлари, назарда тутилган бюджетлараро трансферлар, айланма касса маблағларидан ва йил бошидаги эркин қолдиқлардан вактинчалик маблағ жалб қилиш, тегишли тасдиқланган бюджетларда назарда тутилган айрим чораклардаги харажатларнинг қопланиши таъминланмаган ҳолларда юқори турувчи бюджетдан қўйи турувчи бюджетга ажратиладиган бюджет ссудаси;

**даромадлар контингенти** — солик маъмурчилиги бўйича ҳудудларда шаклланадиган, тегишли бюджетларга тўланадиган соликлар, йиғимлар, божлар, жарималар ва бошқа тўловлар;

**даромадлар прогнози** — маълум бир давр учун бюджет таснифига

мувофиқ аниқ манбалар бўйича тегишли бюджетларга тушиши кутилаётган даромадлар суммаси;

**даромадлар ва харажатлар ёйилмаси** — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари ва харажатларини молия йили учун йиллик ҳажмларини ҳамда чораклик тақсимланган кўрсаткичларини ўзида акс эттирувчи ва тегишли бюджетлар тасдиқлангандан сўнг бюджет таснифига мувофиқ тузиладиган хужжат;

**тартибга солувчи даромадлар** — бюджет тизими бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек солиқ бўлмаган тўловлар;

**тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг нормативлари** — тартибга солувчи даромадлардан тушган тушумларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш меъёри;

**ўрта муддатли давр учун фискал стратегия** (бундан бўён матнда Фискал стратегия деб юритилади) — ўрта муддатли давр учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгиловчи хужжат;

**бюджет сўрови** — ўрта муддатли давр учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга бўлган эҳтиёжни асослашни назарда тутувчи хужжат;

**айланма касса маблағи** — молия йилида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобваракларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам мидори;

**«ЎРИМВ» АТ** (бундан бўён матнда ахборот тизими деб юритилади) — бюджет тизими бюджетларининг бюджет жараёнини тўлиқ автоматлаштириш, шу жумладан бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлик операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг (бундан бўён матнда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги деб юритилади) ахборот тизими;

**худудий иқтисодиёт ва молия органлари** — Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари;

**«UzASBO» ДМ** (бундан бўён матнда дастурий мажмуа деб юритилади) — ғазна ижроси билан қамраб олинган ташкилотлар томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисботининг юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий мажмуа.

2. Давлат бюджети қуидаги даражадаги бюджетлардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари.

3. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети тузилмасига Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарларининг бюджетлари киради.

Вилоятлар маҳаллий бюджетлари тузилмасига вилоят бюджети, тегишли вилоят таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлари киради.

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети тузилмасига шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига кирувчи туманларнинг бюджетлари киради.

4. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ғазна ижроси Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2771, 2016 йил 30 март) ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига (рўйхат рақами 2850, 2016 йил 22 декабрь) мувофиқ амалга оширилади.

## **II бўлим. Давлат бюджетини тузиш тартиби**

### **1-боб. Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ҳамда тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг норматив миқдорлари**

#### **1-§. Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари**

5. Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини шакллантириш Бюджет кодекси ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

6. Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари ва харажатлари таркиби Бюджет кодекси билан белгиланади.

#### **2-§. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг норматив миқдорларини белгилаш**

7. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини режалаштиришда уларнинг харажатлари даромадларидан ошиб кетишига, яъни тақчиллигига ўйл қўймаслик мақсадида тегишинча тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар ҳамда даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш орқали уларнинг даромадлари ва харажатларининг баланслилиги таъминланади.

8. Тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг норматив миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари-

нинг даромадлари ва харажатлари баланслиигини таъминлаш мақсадида солиқлар, давлат божлари, йиғимлар, жарималар ва бошқа тўловларни улар ўртасида тақсимлаш учун фойдаланилади.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тартибга солувчи даромадларнинг норматив ажратмалар миқдорларини белгилаш бўйича таклифлар хар йили 1 майга қадар ишлаб чиқилади ҳамда Фискал стратегияни тайёрланишида фойдаланилади.

10. Тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг норматив миқдорлари қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг келгуси молия йили учун харажатларнинг чекланган миқдорлари;

даромадлар контингентининг Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари кесимидаи прогнози миқдори асосида аниқланади.

11. Тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг норматив миқдорларини тақсимлашда бир ҳудудда шаклланган даромад тури бўйича ажратмаларнинг норматив миқдорлари йиғиндиси 100 фоизга teng бўлиши лозим.

12. Тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг норматив миқдорлари:

бюджет тизими бюджетлари бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни (бундан буён матнда Давлат бюджети тўғрисидаги қонун деб юритилади) билан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари бўйича ҳудудий иқтисодиёт ва молия органларининг таклифларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг навбатдаги йил учун маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори (бундан буён матнда маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор деб юритилади) билан белгиланади.

13. Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари бўйича тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг норматив миқдорлари мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига\* мувофиқ шаклда тасдиқланади.

## **2-боб. Фискал стратегияни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш**

14. Фискал стратегия ҳар йили келгуси молия йили учун бюджет прогно-

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

зи ва ундан кейинги икки йил учун бюджет мўлжалларини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилади.

**15. Фискал стратегия:**

макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозларини;

солик ва бюджет сиёсатининг ўрта муддатли давр учун асосий ўйналишларини;

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатларининг солик-бюджет сиёсатидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган ўрта муддатли давр учун прогнозларини;

келгуси молия йили учун бюджет тизими бюджетлари даромадлари прогнозини ва улар асосида келгуси икки йил учун ишлаб чиқилган мақсадли мўлжалларни;

келгуси молия йили учун бюджет тизими бюджетлари харажатлари прогнозини ва улар асосида келгуси икки йил учун ишлаб чиқилган мақсадли мўлжалларни;

Давлат бюджетининг бирламчи профицити ёки бирламчи тақчиллиги прогнозларини;

фискал таваккалчиликлар таҳлилини ўз ичига олади.

**16. Фискал стратегия Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитаси (бундан буён матнда Солик қўмитаси деб юритилади), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси (бундан буён матнда Божхона қўмитаси деб юритилади), биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларининг маълумотлари асосида ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) тақдим этилади.

**17. Келгуси молия йили ва ундан кейинги икки йилда кутилаётган** Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари тушумининг дастлабки миқдорлари тўғрисидаги прогноз кўрсаткичлари:

туман ва шаҳар солик инспекциялари томонидан тегишли туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимларига 10 апрелга қадар мазкур Қоидаларнинг 2, 2в ва 2д-иловаларга мувофиқ;

туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига 20 апрелга қадар мазкур Қоидаларнинг 2, 2в ва 2д-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солик бошқармалари томонидан тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисо-

диёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига 20 апрелга қадар мазкур Қоидаларнинг 2, 2в ва 2д-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 1 майга қадар мазкур Қоидаларнинг 2, 2в ва 2д-иловаларга мувофиқ;

амалдаги бюджет-солиқ сиёсатидан келиб чиққан ҳолда Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 1 майга қадар мазкур Қоидаларнинг 2 — 2ж-иловаларга\* мувофиқ тақдим этилади.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги даромадлар тушумининг дастлабки миқдорлари тўғрисидаги прогноз кўрсаткичларини олгач Фискал стратегияга киритиш учун Давлат бюджети даромадлари контингенти кўрсаткичларини шакллантиради.

19. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 15 апрелга қадар мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига\* мувофиқ шаклда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун дастлабки прогнозлари ишлаб чиқилади.

Бунда, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун дастлабки прогнозлари икки ёки ундан ортиқ сценарийда ишлаб чиқилади ҳамда қўйидаги асосий кўрсаткичларга эътибор қаратилади:

ялпи ички маҳсулот (қиймати, таркиби, реал ўсиш суръати, дефлятори);

саноат маҳсулотлари (қиймати, таркиби, реал ўсиш суръати, дефлятори);

хизматлар (қиймати, таркиби, реал ўсиш суръати, дефлятори);

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (қиймати, маҳсулотлар кесимидағи ҳажми, реал ўсиш суръати, дефлятори);

қурилиш ишлари (қиймати, таркиби, реал ўсиш суръати, дефлятори);

инфляция даражаси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар.

20. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги жорий молия йилида тасдиқланган миқдорлар асосида Фискал стратегияга киритиш учун харажатлар прогнозини шакллантиради.

21. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети бўйича харажатларни шакллантиришда келгуси молия йили ва ундан кейинги икки йилда давлат дастурлари ва қонунчилик хужжатларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун уларнинг қўшимча маблағларга талаби мавжудлигини ҳамда жорий харажатлардаги ўзгаришларини аниқлайди ва Фискал стратегияни ишлаб чиқиша инобатга олади.

Бунда, ўз фаолияти билан боғлиқ давлат дастурлари ва қонунчилик хужжатларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб ҳамда жорий харажатлардаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига\* мувофиқ шаклда:

туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет

\* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкилотлари тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга 5 апрелга қадар;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари тегишли Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга 5 апрелга қадар;

туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимларига 10 апрелга қадар;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига 10 апрелга қадар;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари томонидан тегишли биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларига 10 апрелга қадар;

туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига 20 апрелга қадар;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 20 апрелга қадар;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 1 майга қадар тақдим этилади.

22. Мазкур Коидаларнинг 4-иловасидаги маълумотнинг:

«Дастурлар ва тадбирлар» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган амалдаги дастурлар ҳамда тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган қўшимча маблағлар;

«Муддати тугаган дастурлар ва тадбирлар» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, жорий молия йилида якунига етадиган дастурлар ва тадбирларда назарда тутилган маблағлар;

«Жорий харажатлардаги ўзгаришлар» бўлимида бюджет ташкилотининг асосий фаолият ўйналишидаги контингентларга доир ўзгаришлар (масалан, Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар сонининг ортиши ҳисобига талаб этиладиган қўшимча маблағлар) асосида талаб этиладиган маблағлар акс эттирилади.

23. «Жорий харажатлардаги ўзгаришлар» бўлими тўлдирилганда, бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет ташкилотларининг жорий ха-

ражатларидаги сифат ва миқдор кўрсаткичларининг ўзгаришига доир маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига\* мувофиқ шаклда тўлдирилади ҳамда мазкур Қоидаларнинг 4-иловасидаги маълумотлар билан биргаликда тақдим этилади.

24. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари прогнози 20 апрелга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига\* мувофиқ шаклда тақдим этилади.

25. Мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига\* мувофиқ шаклдаги харажатларнинг даромадлардан ошган қисмини қоплаш учун талаб этиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт миқдорлари ҳамда тартибга солувчи даромад бўйича таклифлар:

туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига 20 апрелга қадар;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 1 майга қадар тақдим этилади.

26. Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан навбатдаги йил ва келгуси икки йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлар прогнозлари ва харажатларнинг дастлабки миқдорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг дастлабки миқдорлари бўйича таклифларни мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига\* мувофиқ шаклда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 1 майга қадар тақдим этилади.

27. Давлат бюджетидан қопланадиган ташқи қарз хисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида ўзлаштирилган (қарз берувчининг ҳисобракамидан ечиб олинган) маблағлар Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети харажатлари таркибида акс эттирилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг сўровига кўра Давлат бюджетидан қопланадиган ташқи қарз жалб қилган тегишли бюджет ташкилотлари томонидан мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ташқи қарз хисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида ўзлаштирилайдиган (қарз берувчининг ҳисобракамидан ечиб олинадиган) маблағлар прогнозлари хақидаги маълумотлар сўров юборилган кундан бошлаб 3 иш куни ичida тақдим этилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Давлат бюджетидан қопланадиган ташқи қарз хисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича ўзлаштирилайдиган (қарз берувчининг ҳисобракамидан ечиб олинадиган) маблағлар прогнози умумлаштирилган ҳолда Фискал стратегияда ва Бюджетнома лойиҳаларида акс эттирилади.

28. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ўрта муддатли давр учун

\* 5 — 9-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

макроиктисодий кўрсаткичларнинг дастлабки прогнозлари, талаб этиладиган қўшимча маблағлар бўйича таклифлар ва жорий харажатлардаги ўзгаришларнинг асослилиги ҳамда харажатларнинг Давлат бюджетининг келгуси йил ва ундан кейинги икки йилда кутилаётган даромадлар тушумининг дастлабки миқдорлари тўғрисидаги прогноз кўрсаткичлар билан мутаносиблиги ўрганилади.

29. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўрганишлар натижасига кўра:

дастлабки даромадлар прогнозидан келиб чиқиб, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет маблағлари олувчиларга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган харажатларнинг чекланган миқдорлари;

давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферларнинг чекланган миқдорлари;

навбатдаги ўрта муддатли даврдаги объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга Давлат бюджетидан ажратиладиган харажатларнинг чекланган миқдорларини белгилайди.

30. Келгуси йил учун янгиланган Фискал стратегия:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасига жорий йилнинг 1 июня қадар киритилади;

Вазирлар Маҳкамасида жорий йилнинг 15 июня қадар муҳокама қилинади ва тасдиқланади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига маълумот учун киритилади ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

### **3-боб. Бюджет тизими бюджетларидан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларини етказиш ва бюджет сўровини тақдим этиш**

#### **1-§. Давлат бюджетини шакллантиришда бюджетдан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини етказиш**

31. Фискал стратегия Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин беш иш куни ичida Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси молия или учун:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларига ва бюджет маблағлари олувчиларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга — Ўзбе-

кистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини, шунингдек обьектларни лойихалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорларини мазкур Коидаларнинг 10-иловасига\*;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансфертларнинг чекланган миқдорларини мазкур Коидаларнинг 11-иловасига\*;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини, шунингдек обьектларни лойихалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорларини мазкур Коидаларнинг 12-иловасига\* мувофиқ шаклда етказади.

32. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари етказилган кундан бошлаб уч иш куни ичидаги биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўз тасаруфидаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет ташкилотларига бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларини етказади.

## **2-§. Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда бюджетдан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини етказиш**

33. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тақдим этилган келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари беш иш куни ичидаги:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилюят бюджетидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини;

туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини;

бюджет сўровларини тузиш ҳамда уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қиласи.

34. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари ва бюджет сўровларини тузиш ҳамда уларни тақдим этиш муд-

\* 10 — 12-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

датларини белгилаш ҳақида қарор қабул қилинганидан кейин бир иш кунида Қарақалпоғистон Республикаси Йқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари:

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига Қарақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини;

Қарақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга — келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини етказади.

35. Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларнинг тегишли қарорларига асосан туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари уч иш куни ичидаги туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган келгуси йил учун бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини ҳамда бюджет сўровларини тузиш ва уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қиласди.

36. Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари тегишли бюджетларнинг бюджет сўровларини тузиш ва уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш ҳақидаги қарорларни олганидан кейин бир кун ичидаги келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга етказади.

#### **4-боб. Бюджет сўровини тузиш тартиби**

##### **1-§. Умумий қоидалар**

37. Бюджет сўрови ўрта муддатли давр учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга бўлган эҳтиёжни асослашни назарда тутувчи хужжат ҳисобланиб, уни тузиш ва тақдим этиш дастурий мажмуа орқали амалга оширилади.

38. Бюджет сўрови:

бюджет ташкилотининг, бюджет маблағлари олувчининг ва бюджет маблағларини тақсимловчининг бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига олувчи, ўтган йилда эришилган натижалар ва жорий йилда кутилаётган натижалар тўғрисидаги таҳлилий ҳисоботни (бундан бўён матнда таҳлилий ҳисобот деб юритилади);

харажат мажбуриятларининг уларни киритиш (ижро этиш) учун асос бўладиган ҳамда молиялаштириш манбалари ва амал қилиш муддатларини белгилайдиган норматив-хукуқий хужжатлар, шартномалар ва (ёки) уларнинг алоҳида қоидалари кўрсатилган реестрини (бундан бўён матнда хаяжатлар мажбуриятларининг реестири деб юритилади);

бюджет маблағларини тақсимловчининг ривожлантириш дастурини (бундан буён матнда ривожлантириш дастури деб юритилади);

ривожлантириш дастури билан узвий боғлиқ ҳолда тузилган келгуси давр учун бюджет буюртмасини (бундан буён матнда бюджет буюртмаси деб юритилади) ўз ичига олади.

39. Бюджет сўровига:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари билан тасдиқланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар миқдорлари;

янги ташкил этилган ташкилотлар томонидан келгуси давр учун бюджет буюртмалари;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари ва харажатлари;

бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларидан ортган қисми учун бюджет сўровлари илова қилинади.

40. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари бюджет сўрови билан бирга тегишли бюджетлар даромадларининг келгуси давр учун прогнозларини Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

## **2-§. Таҳлилий ҳисоботни тузиш**

41. Таҳлилий ҳисобот бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчиilar ва бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 13-иловасига мувофиқ шаклда тузилади ҳамда бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчининг фаолиятини баҳолаш, бундан буён уни бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклифлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

42. Таҳлилий ҳисоботда бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчиilar ва бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ҳар бир фаолият тури бўйича ўтган йилларда эришилган ва жорий йилда кутилаётган натижаларнинг асосий кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади.

43. Таҳлилий ҳисобот қисқа ва аниқ шаклда баён этилиши ҳамда у мазкур фаолият соҳасида касбий билимларга эга бўлмаган шахсларнинг уни тушунишини қийинлаштирадиган махсус атамаларни ўз ичига олмаслиги керак.

44. Таҳлилий ҳисоботда келтириладиган маълумотлар Бюджет таснифи ни қўллаш бўйича йўриқномадаги (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) (бундан буён матнда Бюджет таснифи деб юритилади) харажатлар таснифининг вазифа жихатдан таснифи бўйича тўлдирилади.

45. Таҳлилий ҳисоботнинг тармоқ кўрсаткичлари бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчиilar ва бюджет маблағларини тақсимловчилар фаолиятининг асосий натижаларини муайян ўлчов бирликларида (хизмат

\* 13-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кўрсатилган контингент сони, бажарилган ишларнинг миқдори ёки ҳажми ва бошқалар) акс эттириши лозим.

### **3-§. Харажат мажбуриятларининг реестрини тузиш**

46. Харажат мажбуриятларининг реестри бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан амалга ошириладиган фаолият турлари ва тадбирларнинг бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан уни молиялаштириш учун асос бўлган тегишли конунчилик хужжати кўрсатилган рўйхатидир.

47. Харажат мажбуриятларининг реестри бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан ўзлари амалга ошираётган харажатларни асосланганлиги нуқтаи назаридан таҳлил килиш учун бюджет таснифига мувофиқ тузилади.

48. Харажат мажбуриятларининг реестри бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет маблағлари олувчилар ва бюджет ташкилотлари томонидан келгуси молия йили ва ундан кейинги икки йил учун мазкур Коидаларнинг 14-иловасига\* мувофиқ шаклда:

«Фаолият/тадбирлар турлари» устунида бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан амалга ошириладиган асосий фаолият турлари;

«Меъёрий-хукукий хужжат» устунида бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан олиб борилаётган фаолият ёки алоҳида мақсадли тадбир турларининг хукукий асослари, яъни харажатларни молиялаштириш учун асос бўладиган меъёрий-хукукий хужжатнинг шакли, қабул қилинган санаси, рақами, номи, кучга кириш санаси ва амал қилиш муддати;

«Бюджет таснифи бўйича харажатлар кодлари» устунида бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва бюджет маблағларини тақсимловчиларни қайси манбалар ҳамда қайси бюджет даражасидан ажратилиши (республика ёки маҳаллий бюджет), шунингдек уларнинг асосий фаолият туридан келиб чиқсан ҳолда Бюджет таснифининг харажатлар таснифи вазифа жиҳатдан таснифи бўйича тегишли кодлари;

«Харажат мажбуриятлари ижроси учун бюджет ажратмалири ҳажми» устунида бюджет харажатларининг ўтган йилги ижроси, жорий йил учун тасдиқланган режа ва кутилаётган ижроси ҳамда келгуси ва ундан кейинги икки йил учун режалаштирилаётган прогноз кўрсаткичлари акс этирилади.

Бунда, харажат мажбуриятларининг реестрининг 14, 15 ва 16-устунларидаги кўрсаткичлар тегишли равишда мазкур Коидаларнинг 16-иловаси 9, 14 ва 19-устунларидаги кўрсаткичларга teng бўлиши лозим.

### **4-§. Ривожлантириш дастурини тузиш**

49. Ривожлантириш дастури бюджет маблағларини тақсимловчилар то-

\* 14-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

монидан мазкур Қоидаларнинг 15-иловасига<sup>\*</sup> мувофиқ шаклда уч йил муддатга тузилади ва қўйидагиларни ўз ичига олади:

бюджет маблағларини тақсимловчи фаолиятининг барча соҳалари бўйича ривожланишнинг асосий йўналишлари, мақсадлари вазифаларини, сифат ва миқдор кўрсаткичларини;

мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган ўзаро боғлиқ ҳукукий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва техник тадбирлар мажмуини;

мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришни таъминлайдиган, муддатлари ва турлари бўйича келишилган қутилаётган натижалар кўрсаткичлари тизимини.

50. Ривожлантириш дастури Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланган мақсад ва вазифаларга асосланади.

51. Ривожлантириш дастури қўйидагicha:

«Ривожлантириш дастурининг номи» қаторида бюджет маблағларини тақсимловчиларни ривожлантириш дастурининг номи ва маблағ ажратиш учун асос бўлган норматив хужжатнинг номи;

«Дастурнинг мақсади» қаторида бюджет маблағларини тақсимловчиларни ривожлантириш дастурининг мақсади;

«Якуний натижа кўрсаткичи» қаторида бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг тегишли соҳадаги сифат ва миқдор кўрсаткичларининг ўзгариши;

«Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи» қаторида бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва сотиб олинган товарлар ҳажмини тавсифловчи кўрсаткичлар, яъни ўлчаниши мавҳум (абстракт) бўлмаган мақсадли индикатор;

«Йиллар кесимидағи эришиладиган индикаторнинг прогнози» устунида ривожлантириш дастурларининг миқдор кўрсаткичлари акс эттирилади.

52. Ривожлантириш дастури бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан юқори турувчи орган билан келишилган холда тасдиқланади.

### **5-§. Бюджет буюртмасини тузиш**

53. Бюджет буюртмаси бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан мазкур Қоидаларнинг 16-иловасига<sup>\*</sup> мувофиқ шаклда тузилади.

54. Бюджет буюртмасида ўтган ва жорий йиллар учун ҳамда келгуси уч йил учун бюджет тизими бюджетларининг маблағлари хисобидан амалга ошириладиган харажатлар Бюджет таснифига мувофиқ акс эттирилади.

55. Бюджет ташкилоти ёхуд бюджет маблағлари олувчи томонидан тузилган бюджет буюртмаси тегишли бюджет маблағларини тақсимловчига бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан белгиланган муддатда, бироқ

\* 15-16-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тегишли молия органи ва давлат мақсадли жамғармасини тақсимловчи орғанга бюджет сўровини тақдим этиш муддатидан кечиктирилмасдан тақдим этилади.

56. Бюджет маблағларини тақсимловчи ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет буюртмалари асосида жамланма бюджет буюртмасини мазкур Коидаларнинг 17-илювасига\* мувофиқ шаклда тузади.

Бунда, бюджет маблағларини тақсимловчининг жамланма бюджет буюртмаси бюджет маблағларини тақсимловчининг ривожлантириш дастури билан узвий боғлиқ ҳолда тузилади.

57. Бюджет буюртмасида харажатлар ҳажмларини ўтган йилларга нисбатан кўпайтиришга фақат асословчи қонун хужжати бўлган тақдирда ва мазкур кўпайтириш бюджет маблағларини тақсимловчининг ривожлантириш дастурида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Бунда, харажатлар ҳажмларини ўтган йилларга нисбатан кўпайтириш мазкур Коидаларнинг 18-илювасига\* мувофиқ шаклда акс эттирилади.

58. Бюджет буюртмасидаги харажатларнинг миқдори Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тақдим этилган бюджет маблағларининг чекланган миқдоридан ошган тақдирда, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига асослантирувчи хисоб-китоблар тақдим этилади.

## **6-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар**

59. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган дастур ва тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар мазкур Коидаларнинг 19-илювасига\* мувофиқ шаклда акс эттирилади.

Бунда, бюджетдан ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида ижроси таъминланган дастурларнинг маблағлари чиқариб ташлашини, бир йил муддатга қабул қилинган дастур ва тадбирлар ҳисобга олиниши, шунингдек фаолият натижаларининг прогнози (тармоқ, штат ва контингентларни ўзгариши) инобатга олиниши лозим.

## **7-§. Янги ташкил этилган ташкилотларни келгуси давр учун бюджет буюртмасини тузиш**

60. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида янги ташкил этилган ташкилотларга келгуси давр учун бюджет буюртмаси мазкур Коидаларнинг 20-илювасига\* мувофиқ шаклда тузилади.

61. Янги ташкил этилган ташкилотларга келгуси давр учун бюджет буюртмасининг:

«Бюджетдан маблағ ажратиш учун асос» устунида янги ташкил этилган

\* 17 — 20-илювалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкилотлар учун асос ҳисобланган қарор рақами ва номи, қабул қилинган санаси, қарор қабул қилған орган номи, дастур ва тадбирлар номи;

«Бўлим», «Кичик бўлим», «Боб» ва «Харажатлар иқтисодий таснифининг кодлари» устунларида янги ташкил этилган ташкилотлар учун Бюджет таснифининг тегишли кодлари;

«\_\_\_\_\_ йил кутилаётган касса харажати» устунининг «жорий йил учун» устунида янги ташкил этилган ташкилотни очилган санасидан молия йили якунига қадар талаб этиладиган маблағ, «жами бир йиллик» устунида эса бир йил учун талаб этиладиган маблағ миқдори;

«\_\_\_\_\_ - \_\_\_\_\_ йиллар учун харажатлар лойиҳаси» устунида «\_\_\_\_\_ йил кутилаётган касса харажати» устунининг «жами бир йиллик» устунидаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб келгуси йиллар харажатлар акс эттирилади.

### **8-§. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари бўйича бюджет сўровлари**

62. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари бўйича бюджет сўровлари келгуси молия йили ҳамда ундан кейинги икки йил учун мазкур Қоидаларнинг 21-иловасига\* мувофиқ шаклда тузилади.

63. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари асосий фаолиятдан, кредитлар, қарзлар, грантлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа бюджетдан ташқари даромадлардан жорий ўтган йили учун ҳақиқий тушумлар, жорий молия йили ва режалаштирилаётган давр учун прогноз тушумлардан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари Бюджет таснифининг харажатлар иқтисодий тегишли кодлари билан ўтган йилда амалга оширилган касса харажати, жорий йил тасдиқланган режаси, кутилаётган касса харажати ҳамда келгуси йил ва ундан кейинги икки йил учун кутилаётган харажатлардан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилади.

### **9-§. Давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари бўйича бюджет сўрови**

64. Давлат мақсадли жамғармаларининг навбатдаги молия йили ва келгуси икки йил учун даромадлари ва харажатлари бўйича бюджет сўрови мазкур Қоидаларнинг 22-иловасига\* мувофиқ шаклда тузилади.

Давлат мақсадли жамғармалари зиммасига юклатилган вазифалар, функциялар ва мажбуриятлардан келиб чиқсан ҳолда ўз бюджетларига келиб тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тушумлар, харажатларнинг турлари, молия йили боши ва охирига қолдиқлар бўйича маълумотларни бюджет сўровида акс эттиради.

Бунда, давлат мақсадли жамғармалари республика бюджетидан ажрати-

\* 21-22-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ладиган трансфертларнинг чекланган миқдорлари доирасида бюджет сўровларини шакллантирилиши лозим.

65. Давлат мақсадли жамғармаларининг навбатдаги молия йили ва келгуси икки йил учун бюджет сўровларига тушунтириш хати илова килинади. Тушунтириш хатида давлат мақсадли жамғармалари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари, уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертлардан кутилаётган натижа ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг прогноз кўрсаткичлари бўйича изоҳлар келтирилади.

#### **10-§. Бюджет сўровларини кўриб чиқиш тартиби ва тақдим этиш муддатлари**

66. Бюджет сўровларини кўриб чиқиш:

туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилайдиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича — туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилайдиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетлари лойиҳалари бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар тасарруфидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилайдиган иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича — тенишли биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, шунингдек биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларининг объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал кўйилмалари ҳамда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари бўйича — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

67. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича бюджет сўровларини кўриб чиқади.

68. Келгуси йил учун бюджет сўровлари жорий йилнинг 1 августига қадар:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан,

туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган худудий бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли иқтисодиёт ва молия органларига;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан — Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади.

69. Жорий йилнинг 15 августига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг аниқлаштирилган прогнозлари ишлаб чиқилади.

70. Жорий йилнинг 20 августига қадар Солиқ қўмитаси, бошқа вазирликлар ҳамда идоралар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

71. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан жорий йилнинг 25 августига қадар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатлари прогнозлари кўриб чиқилади.

72. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифлар тақдим этилан кундан бошлаб беш иш куни ичida Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг навбатдаги молия йили учун янгиланган прогнозини тайёрлайди.

73. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгусидаги ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг аниқлаштирилган прогнозларидан келиб чиқкан холда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг янгиланган прогнози бўйича тайёрланган таклифлар асосида қўйидагиларга:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларига;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, шунингдек биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг келгуси молия йили учун объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал кўйилмалар бўйича харажатларининг чекланган миқдорларига;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансферларнинг чекланган миқдорларига;

Давлат мақсадли жамғармаларига келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансферларнинг чекланган миқдорларига ўзгартиришлар киритади.

74. Бюджет сўровларини кўриб чиқиш жараёнида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бюджет сўровлари олинганидан кейин бир ой муддатда қўйидагиларга билдиришномалар юборади:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ва давлат

мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларига киритилган ўзгартиришлар, амалга ошириш учун асослар мавжуд бўлмаган, ижтимоий-иктисодий самарадорлиги паст бўлган, бюджет даромадларининг тегишли ўсиши билан тъминланмаган харажатларни камайтириш тўғрисида, шунингдек бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичлари пасайган ҳолларда харажатларни мақбуллаштириш ҳақида;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — тегишли бюджетларнинг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари ҳамда харажатларининг прогнозлари асосиз равишда пасайтирилган ёки оширилган ҳолларда мазкур прогнозларга тузатиш киритиш ҳақида, шунингдек бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари тўғрисида.

Бунда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар Иктисодиёт ва молия вазирлигининг ёзма билдиришномаларини олганидан кейин уч иш куни ичидаги мазкур ёзма билдиришномаларда кўрсатилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда янгиланган бюджет сўровларини тақдим этиши шарт.

## **5-боб. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши ва киритиши**

### **1-§. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши**

75. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши Бюджет кодекси, мазкур Қоидалар ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан мувофиқ амалга оширилади.

76. Давлат бюджетининг лойиҳаси Иктисодиёт ва молия вазирлиги томонидан:

макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози;

даромадларнинг ташкил топиш манбалари бўйича Давлат бюджети даромадлари прогнози;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари ва Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан айрим тадбирлар учун харажатлар ҳажмининг прогнози;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳалари асосида ишлаб чиқилади.

77. Давлат бюджетининг лойиҳасида харажатлар даромадларнинг прогноз қилинаётган ҳажмидан келиб чиқиб Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ҳисобга олинган, уни қоплаш манбалари белгиланган ҳолда назарда тутилади.

78. Давлат бюджетининг лойиҳаси:

Бюджет кодексининг 50 ва 69-моддаларига мувофиқ Давлат бюджетининг даромадлар манбалари бўйича даромадлари ва йўналишлар бўйича харажатлари прогнозидан;

Давлат бюджети тақчиллигининг энг юкори миқдори ва уни қоплаш манбаларидан таркиб топади.

79. Бюджетнома — эришилган натижалар ҳисобга олинган ҳолда мамлакатни келгуси даврда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тутувчи хужжат бўлиб, ушбу йўналишлар асосида Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

80. Бюджетнома қуидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг лойиҳаси ишлаб чиқиша фойдаланилган асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозини;

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини;

янгиланган Фискал стратегияни;

прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ҳамда харажатларининг лойиҳасини ва келгуси икки йил учун бюджет мўлжалларини;

соҳалар бўйича ривожланишнинг асосий йўналишлари, мақсадлари, вазифалари, сифат ва миқдор кўрсаткичларини;

давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинадиган қарз маблағларининг йиллик чекланган миқдорини.

## **2-§. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини киритиш**

81. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва бюджетнома:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасига — жорий йилнинг 15 сентябрига қадар киритилади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига — жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиши учун — жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича хулосани жорий йилнинг 5 октябридан кечиктирмай тақдим этади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатасига, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан киритилади.

Бюджетнома Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Сенатига ҳам, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай киритилади.

82. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси, ўрта муддатли давр учун фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилади, шунингдек Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун бир вақтнинг ўзида эълон қилинади.

**6-боб. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг  
войиҳаларини ишлаб чиқиши**

**1-§. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг  
войиҳаларини ишлаб чиқиши**

83. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан:

даромадлар бўйича — Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда солик бошқармалари ва хокимликларнинг бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органларининг бўлинмалари томонидан маъмурий-ҳудудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа маълумотлар асосида;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари асосида;

харажатлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари ҳамда тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган айrim тадбирлар учун харажатларнинг прогноз қилинаётган ҳажми асосида ишлаб чиқилади.

84. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишига йўл қўйилмайди. Бунда, бюджет лойиҳаларининг даромад билан таъминланмаган қисмига харажатлар қисми камайтирилади.

85. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли бюджет-

ларни биринчи навбатда иш хақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситаларини сотиб олиш, шунингдек коммунал хизматлар харажатларини назарда тутган ҳолда шаклантиради.

### **2-§. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисида Кенгашлар қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш**

86. Навбатдаги йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига тегишли хulosани тақдим этиши учун жорий йилнинг 20 сентябрига қадар юборилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashiga, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлariiga Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари бўйича хulosasi жорий йилнинг 1 октябридан кечиктирмай тақдим этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан жорий йилнинг 10 октябридан кечиктирмай жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилади;

уларнинг жамоатчилик муҳокамаси якунлари бўйича келиб тушган асосланган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хulosasi билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан жорий йилнинг 25 октябридан кечиктирмай тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлariiga киритилади.

87. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун расмий эълон қилингандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлari томонидан бир ҳафта муддат ичida тегишинча маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда қабул қилинади ҳамда мазкур қарорлар билан ушбу Коидаларнинг 23 — 29-иловаларига\* кўрсатилган маълумотлар тасдиқланади.

### **7-боб. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш**

#### **1-§. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш**

88. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан:

\* 23 — 29-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

даромадлар бўйича — Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда солик инспекциялари, ҳокимликларнинг бўлимлари ва давлат бошқаруви органларининг бошқа туман ҳамда шахар бўлинмалари томонидан маъмурий-худудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа ахборот асосида;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансферларнинг чекланган миқдорлари асосида;

харажатлар бўйича — туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари асосида ишлаб чиқилади.

Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситаларини сотиб олиш, шунингдек коммунал хизматлар харажатларини назарда тутган ҳолда шакллантиради.

89. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари туманлар ва шаҳарлар бюджетлари тасдиқланган харажатларининг (бундан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари захира жамғармаларининг маблағлари мустасно) 5 фоизига тенг миқдордаги маблағларни жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

## **2-§. Туманлар ва шаҳарлар бюджетлари тўғрисида ҳалқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш**

90. Навбатдаги йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари томонидан:

жорий йилнинг 10 октябридан кечиктирмай жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилади;

уларнинг жамоатчилик муҳокамаси якунлари бўйича келиб тушган асосланган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқилади ҳамда жорий йилнинг 1 ноябридан кечиктирмай тегишинча ҳалқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига киритилади.

91. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисида қарорлар қабул қилинганидан сўнг уч иш куни ичидаги ҳалқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари ушбу қарорларга мувофиқлаштирилган ҳолда тегишинча туманларнинг ва шаҳарларнинг бюджетлари тўғрисида қарорлар қабул қиласи.

92. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари тўғрисидаги тегишли қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларини томо-

нидан улар қабул қилинганидан сўнг уч иш куни ичида ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

### **8-боб. Айланма касса маблағларининг миқдорини аниқлаш**

93. Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетлари нинг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, шунингдек туманлар, шаҳарлар бюджетларининг айланма касса маблағлари уларнинг даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинчалик касса узилишини қоплаш мақсадида шакллантирилади.

94. Айланма касса маблағларининг миқдорлари:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари учун — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан;

туманлар ва шаҳарлар бюджетлари учун — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда белгиланади.

95. Айланма касса маблағларининг белгиланган миқдорлари молия йилининг ҳар чораклар якуни билан сақланади.

Йил мобайнида айланма касса маблағларидан жалб қилинган суммалар йил охиригача тикланиши лозим. Айланма касса маблағларининг йил охиридаги миқдори белгиланган суммага мос келиши керак.

96. Келгуси молия йили учун белгиланган айланма касса маблағлари:

тегишли бюджетларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларидағи маблағларнинг йил бошидаги қолдиқлари;

жорий йилнинг биринчи — учинчи чораклари якунлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилиши суммалари ҳисобидан тўлдирилади.

97. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг мазкур Қоидаларнинг 96-бандида кўрсатилган манбалари етарли бўлмаганда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг айланма касса маблағларини тўлдириш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимлари томонидан қарор қабул қилиниши мумкин.

### **9-боб. Давлат бюджети маблағларини етказиш**

#### **1-§. Қабул қилинган Давлат бюджетини бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчиларга етказиш**

98. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун расмий эълон қилинганидан кеин Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан уч иш куни ичида:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бериладиган бюджетлараро трансфертлар ҳажмларини, даромадлари ва харажатлари миқдорларини, тартибга солувчи даромадлардан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тушумлардан ажратмалар нормативларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилдиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмлари миқдори етказилади.

### **2-§. Қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини етказиш**

99. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш түғрисидаги қарорлар қабул қилинганидан сўнг мазкур Коидаларнинг 24-иловасига мувофиқ шаклда:

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига ҳамда иқтисодиёт ва молия бўлимларига тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадлари ва харажатлари ҳажмлари уч иш кунида;

туманлар ва шаҳарлар бюджетларига Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетидан ва Тошкент шаҳар бюджетидан бериладиган бюджетлараро трансфертлар ҳажмлари, тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг нормативлари, захира жамғармаси миқдорлари, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг айланма касса маблағлари миқдорлари уч иш кунида;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилдиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга улар учун белгиланган харажатлар миқдори бир ҳафталик муддатда етказилади.

### **3-§. Қабул қилинган туманлар ва шаҳарлар бюджетларини етказиш**

100. Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан туманлар ва шаҳарлар ҳалқ депутатлари кенгашлари қарори билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари тасдиқланганидан кейин бир ҳафталик муддатда туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилдиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга улар назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ҳажмлари мазкур Коидаларнинг 24-иловасига мувофиқ шаклда етказилади.

### III бўлим. Давлат бюджетини ижро этиш

#### 1-боб. Даромадлар ва харажатлар ёйилмасини шакллантириш, тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш

##### 1-§. Умумий қоидалар

101. Даромадлар ва харажатлар ёйилмаси:

бюджет таснифига мувофиқ тузилган даромадлар ва харажатлар прогнози уларнинг тасдиқланган параметрларига мувофиқлигини;

даромадлар ва харажатлар параметрлари ижросининг мониторингини тъминлаш мақсадида тузилади.

102. Даромадлар ва харажатлар ёйилмаларининг:

даромад қисми тегишли бюджет даромадларининг бюджет таснифига мувофиқ ойма-ой бўлинган йиллик ҳажмларидан;

харажат қисми тегишли бюджет харажатларининг молия йили учун тасдиқланган харажатлар сметалари ва жамланма харажатлар сметалари асосида тузиладиган, бюджет таснифига мувофиқ ойма-ой бўлинган йиллик ҳажмларидан ташкил топади.

103. Даромадлар ва харажатлар ёйилмасининг харажат қисмiga харажатлар сметаларини тузиш талаб қилинмайдиган қўйидаги:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ижро этиш жараёнида бўшайдиган;

товар-моддий қимматликларнинг нормативдан ортиқ захиралари бўйича хисобга олинган;

адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат хисобидан тўланиши назарда тутиладиган;

қўшилган қиймат солиғи суммасини солиқ тўловчиларга қайтариш учун назарда тутиладиган;

давлат органлари ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф харакатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун назарда тутиладиган;

бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва тувиш нафақасини тўлаш учун назарда тутиладиган, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилган ҳоллар бундан мустасно;

бир йўла бериладиган давлат пул мукофотлари ва мукофотларини тўлаш учун назарда тутиладиган;

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатиш иштирокчиларига компенсациялар тўлаш учун назарда тутиладиган;

транспортда имтиёзли юришни қоплаш учун назарда тутиладиган;

давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган ҳалқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш ва уларни молиялаштиришда иштирок этиш учун мўлжалланган;

давлат эҳтиёjlари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишти-

раётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-куватлаш учун назарда тутиладиган;

сайлов ва референдумлар ўтказиш учун назарда тутиладиган;

бюджетлараро трансфертлар ажратиш учун назарда тутиладиган;

тижорат банклари ва бошқа молия институтларининг устав капиталини шакллантириш ва кўпайтириш учун назарда тутиладиган;

резидент-юридик шахсларга бюджет ссудалари ажратиш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кредит линияларини очиш учун назарда тутиладиган;

солик ва бюджет сиёсатининг асосий ўйналишларида назарда тутилган тадбирлар ҳамда молия йили мобайнода амалга оширилиши назарда тутилган ва Давлат бюджети харажатларини кўпайтиришни талаб қиласидиган бошқа тадбирлар учун мўлжалланган;

давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиб бериладиган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар киритилади.

Бунда, харажатлар сметаларини тузиш талаб қилинмайдиган бюджетдан ажратиладиган маблағлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари томонидан ахборот тизимиға тўғридан-тўғри киритилади.

104. Даромадлар ва харажатлар ёйилмаси тегишли молия йили учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун ҳамда маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар билан тасдиқланган бюджетлар миқдорларига муовфика шакллантирилади.

Бунда, солик органлари томонидан 1 февралга қадар ҳар бир солик тури бўйича тасдиқланган ўйллик бюджетлар миқдорларининг баланслиликни таъминлаган ҳолдаги ойлик ва чораклик тақсимоти юзасидан таклифлар иқтисодиёт ва молия органларига тақдим этилади.

105. Даромадлар ва харажатлар ёйилмасида баланслиликни таъминлаш учун қўйидаги маблағлар жалб қилинганда, уларнинг ўйллик жами миқдори нолга teng бўлиши талаб этилади:

режали бюджет ссудаси;

айланма касса маблағлари;

йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлари.

106. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар ва харажатлари ижроси жараённада ушбу бюджетларнинг даромадлари ва харажатларига киритиладиган ўзгартиришлар белгиланган тартибда тегишинча даромадлар ва харажатлар ёйилмаларида ҳисобга олиб борилади.

107. Даромадлар ва харажатлар ёйилмалари бир молия йили муддатига тузилади ва амал қиласиди.

108. Даромадлар ва харажатлар ёйилмалари минг сўмда тузилиб, дастурга сўмда киритилади.

109. Даромадлар ва харажатлар ёйилмаларини шакллантириш, тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш дастурий мажмуа ва ахборот тизими орқали амалга оширилади.

**2-§. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети  
даромадлари ва харажатларининг ёйилмасини  
шакллантириш ва тасдиқлаш**

110. Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар ёйилмаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ёйилмаларини жамлаган ҳолда жорий йил 1 апрелига қадар мазкур Қоидаларнинг 30 ва 31-иловаларига\* мувофиқ шаклларда тузилади.

Бунда, даромадлар ёйилмаси даромадлар турлари ва миқдорларининг прогнози бўйича ҳамда харажатлар ёйилмалари харажатлар сметалари асосида шакллантирилади.

111. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар ёйилмасини шакллантиришда ойлар ва чораклар тақсимотидаги баланслиликни таъминлаш:

олдинги чораклар (ойлар)даги даромадларнинг харажатлардан ошган қисми ҳисобига келгуси чораклар (ойлар)даги харажатларни даромадлардан ошган қисмини қоплаш;

харажатларни даромадлардан ошган қисмини қоплаш учун айланма касса маблағлари, йил бошидаги эркин қолдик маблағлари, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетининг тақчиллигини қоплаш манбалари маблағларини жалб қилиш ҳисобига амалга оширилади.

112. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансферлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетининг харажатлар қисмida режалаштирилади.

113. Вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун режали бюджет ссудаси Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетининг даромадлар ва харажатлар ёйилмасида бюджет таснифи асосида қўйидаги тартибда:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган режали бюджет ссудаси «+» белги билан тегишли ойларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг харажатлар қисмida;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган режали бюджет ссудасини қайтишида «-» белги билан тегишли ойларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг харажатлар қисмida режалаштирилади.

114. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республика

\* 30-31-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

касининг республика бюджети маблағларининг молия йили бошидаги қолдиқлари, давлат томонидан маблағ жалб қилинган маблағлар ва қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг тақчиллигини қоплашга йўналтириладиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг даромадлар ва харажатлар ёйилмасида бюджет таснифи асосида режалаштирилади.

### **3-§. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг ёйилмасини шакллантириш ва тасдиқлаш**

115. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари бўйича даромадлар ва харажатларининг ёйилмаси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети ва Тошкент шахрининг шаҳар бюджети ва уларнинг таркибидаги туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ёйилмаларини жамланган ҳолда мазкур Қоидаларнинг 30 ва 31-иловаларига мувофиқ шаклларда тузилади.

116. Даромадлар ва харажатлар ёйилмаси тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатларининг молия йили учун тасдиқланган параметрлари асосида:

даромадлар бўйича тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг нормативлари ҳисобидан тегишли бюджетларга тушиши кутилаётган даромадлар турларининг йиллик, чораклик ва ойлар кесимидағи прогнози;

даромадлар ва харажатлар ёйилмаларини тузиш учун республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг йиллик, чораклик ва ойлар кесимидағи миқдори;

харажатлар бўйича белгилangan тартибда рўйхатдан ўтказилган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари, бюджет маблағларини тақсимловчилар ва худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлар сметалари ва жамланма харажатлар сметалари асосида шакллантирилади.

117. Худудий иқтисодиёт ва молия органлари томонидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шахри шаҳар бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар ёйилмасининг ойлар ва чораклар бўйича тақсимотидаги балансликни таъминлаш:

олдинги чораклар (ойлар)даги даромадларнинг харажатлардан ошган қисми ҳисобига келгуси чораклар (ойлар)даги харажатларни даромадлардан ошган қисмини қоплаш;

харажатларни даромадлардан ошган қисмини қоплаш учун айланма касса маблағлари, йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлари ва юқори турувчи бюджетлардан жалб қилинадиган режали бюджет ссудаси ҳисобига амалга оширилади.

118. Бюджетлараро трансфертлар қўйидаги тартибда тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ёйилмасида бюджет таснифи асосида:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлар қисмида;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг харажатлар қисмида режалаштирилади.

119. Вақтингчалик касса узилишини қоплаш учун тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ёйилмасида айланма касса маблағлари ва йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлари жалб қилинганда «+» белги билан, қайта тикланганда «-» белги билан тегишли ойларда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлар қисмида режалаштирилади.

120. Вақтингчалик касса узилишини қоплаш учун режали бюджет ссудаси қўйидаги тартибда тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ёйилмасида бюджет таснифи асосида:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган режали бюджет ссудаси «+» белги билан тегишли ойларда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлар қисмида;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган режали бюджет ссудасининг қайтарилишида «-» белги билан тегишли ойларда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлар қисмида режалаштирилади.

#### **4-§. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг ёйилмасини шакллантириш ва тасдиқлаш**

121. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ёйилмаси тегишинча туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан мазкур Қоидаларнинг 30 ва 31-иловаларига мувофиқ шаклларда тузилади.

122. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ёйилмаси тегишли бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар прогнозининг молия йили учун тасдиқланган параметрлари асосида даромадлар бўйича тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг нормативлари хисобидан тегишли бюджетларга тушиши кутилаётган даромадлар ва юкори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдори ҳамда харажатлар бўйича белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари ва ҳудудий бюджет маблағларини тақ-

симвовчиларнинг харажатлар сметалари ва жамланма харажатлар сметалари асосида шакллантирилади.

123. Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия органлари томонидан тегишинча туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ёйилмасида олдинги ойлардаги даромадларнинг харажатлардан ошган қисми ҳисобига келгуси ойлардаги харажатларни даромадлардан ошган қисмини қоплаш, харажатларни даромадлардан ошган қисмини қоплаш учун айланма касса маблағлари, йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлар ва юқори турувчи бюджетлардан жалб қилинадиган режали бюджет ссудаси ҳисобига ойлар ва чораклар бўйича баланслилик таъминланади.

124. Юқори бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансферлар тегишинча туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар қисмида режалаштирилади.

125. Вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ёйилмасида айланма касса маблағлари ва йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлари жалб қилинганда «+» белги билан, қайта тикланганда «-» белги билан тегишли ойлarda туманлар ва шаҳарлар бюджетининг даромадлар қисмида режалаштирилади.

126. Қорақалпоғистон Республикасининг бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган режали бюджет ссудаси «+» белги билан, режали бюджет ссудасининг қайтарилишида «-» белги билан тегишли ойлarda тегишинча туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар қисмида режалаштирилади.

## **2-боб. Бюджетлараро муносабатлар**

127. Бюджетлараро муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар, шаҳарлар бюджетлари, шунингдек давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ўртасидаги Бюджет кодекси билан тегишли бюджетларга бириклирилган харажатларни амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли бюджетларни молиявий ресурслар билан таъминлашга доир муносабатлардир.

Бюджетлараро муносабатлар Бюджет кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

128. Бюджетлараро трансферлар субвенциялар, дотациялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, бюджет ссудаси, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар, тартибга солувчи бюджетлараро трансферлар ва мақсадли ижтиё мой трансферлар шаклида амалга оширилади.

129. Бюджет ссудаси ажратиш бўйича туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига мазкур Қоидаларнинг 32-иловасига\* мувофиқ шаклда ажратиш тўғрисида талабнома юборилади.

\* 32-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

130. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларида харажатларни маблағ билан таъминлаш учун бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги талабнома даромадлар прогнози ижроси ва амалга оширилиши режалаштирилаётган харажатлар миқдорини таҳлил қилиш асосида бир иш куни давомида кўриб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бюджет ссудаси ажратиш тўғрисидаги талабномани кўриб чиқиша Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан тегишли Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шахрининг шаҳар бюджетининг харажатларини қоплаш учун бюджет ссудаси ажратиш эҳтиёжи мавжудлиги аниқланади.

131. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари ажратилиши лозим деб топилган бюджет ссудаси бўйича умумлаштирилган талабномани Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборади.

132. Ўн иш куни ичида:

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг масъул таркиби тузилмаси томонидан маҳаллий бюджетларнинг бюджет ссудасини ўтказиш тўғрисидаги талабномаси кўриб чиқилади ҳамда маҳаллий бюджетларга бюджет ссудасини ўтказиш бўйича таклифлар тайёрланади ва тайёрланган таклифлар тегишли бўлинмалар билан келишилади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазири ёки унинг тегишли ўринбосари томонидан розилик олинади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг масъул таркиби тузилмаси томонидан маҳаллий бюджетларга бюджет ссудасини ўтказиш учун ғазна мемориал ордери ахборот тизимида шакллантирилади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасига юборилади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси тақдим қилинган ғазна мемориал ордерига асосан бюджет ссудасини тегишли маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибда ўтказилишини таъминлайди.

133. Бир иш куни ичида:

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига уларнинг бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги талабномалари асосида бюджет ссудасини ўтказиш бўйича таклифлар тайёрланади. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга талабномага нисбатан бюджет ссудаси миқдори камайтириб ажратилганда, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига уларнинг талабномаларида бюджет ссудаси миқдори мутаносиб равища камайтирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари то-

монидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бюджет ссудасини ўтказиш учун ахборот тизимида ғазна мемориал ордери шакллантирилади ва ҳудудий ғазначилик бўлинмаларига юборилади;

ҳудудий ғазначилик бўлинмалари тақдим қилинган ғазна мемориал ордерларига асосан бюджет ссудасини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига белгиланган тартибда ўтказилишини таъминлайди.

134. Бюджетлараро трансферлар бўйича ҳисоб-китоблар жорий молия йилида қўшимча вақт даври ҳисобга олинган ҳолда тугалланиши керак.

**3-боб. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети,  
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар  
бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ёйилмаларига  
ўзгартиришлар киритиши**

**1-§. Умумий қоидалар**

135. Молия йили мобайнида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиши:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадлари ва (ёки) харажатларини камайтиришни ёки қўпайтиришни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатлари ўзгарган;

бир бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчи учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар камайтирилиб, мос равишда бошқа бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчи учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар қўпайтирилган;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларда бюджетдан ажратиладиган маблағлар харажатларнинг бир моддасидан бошқа моддасига ўтказиш зарурияти юзага келган;

Давлат бюджети маблағларининг молия йили бошидаги эркин қолдиқлари Бюджет кодексининг 126-моддасида назарда тутилган тартибда харажатларни молиялаширишга йўналтирилган;

бюджет таснифига ўзгартиришлар киритилган;

Бюджет кодексининг 120-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

Ушбу ўзгартиришларнинг ҳисоби тегишли равишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари томонидан ахборот тизимида юритилади.

136. Даромадлар ва харажатлар ёйилмаларининг ойлик ва чораклик тақсимоти бўйича киритиладиган ўзгартиришлар тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ёйилмаларининг ойлик ва чораклик тақсимотидаги баланслилиги таъминланган ҳолда амалга оширилади.

137. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг маҳаллий бюджетларга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги карорлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети даромадларининг параметрлари кўпайтирилганда (камайтирилганда), ушбу бюджетларнинг харажатлар параметрлари тенг миқдорда кўпайтирилади (камайтирилади), шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг харажатлар параметрларига мос равишида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари оловчи-ларнинг харажатлар сметалари кўпайтирилади (камайтирилади).

138. Бир худудий бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган бюджет маблағларини бошқа худудий бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорининг:

10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу Кодекс 145-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

139. Ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи тасарруфидаги бир бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари оловчиidan бошқа бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари оловчи учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни ўтказиш худудий бюджет маблағларини тақсимловчилар сўровига кўра тегишли ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари томонидан амалга оширилади.

140. Бир худудий бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган бюджет маблағларни бошқа худудий бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорининг:

10 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда ҳалқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу Кодекс 145-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

141. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган худудий бюджет маблағларини тақсимловчи тасарруфидаги бир бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари оловчиidan бошқа бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари оловчи учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни ўтказиш худудий бюджет маблағларини тақсимловчилар сўровига кўра тегишли иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан амалга оширилади.

142. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлар ва харажатлар ёйилмасига ўзгарти-

ришлар киритиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги масъул таркибий тузилмаси томонидан мазкур Қоидаларнинг 33-иловасига\* мувофиқ шаклдаги хабарнома (бундан бўён матнда хабарнома деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига ахборот тизими орқали юборилади.

143. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг хабарномаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан:

туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари тегишли хабарномалар ахборот тизимига;

маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликарга уларнинг жамланма харажатлар сметасига ва харажатлар сметасига ўзгартириш киритилганлиги бўйича Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликарнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2634, 2014 йил 15 декабрь) 12-иловасига мувофиқ 17-сон шаклдаги маълумотнома-билдиришнома (бундан бўён матнда 17-сон шакл маълумотнома-билдиришнома деб юритилади) дастурий мажмуа орқали юборилади.

144. Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўзларининг бўйсунувидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликарга 17-сон шакл маълумотнома-билдиришномага асосан харажатлар сметаларига ўзгартириш киритилганлиги бўйича Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликарнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2634, 2014 йил 15 декабрь) 13-иловасига мувофиқ 18-сон шаклдаги маълумотнома-билдиришнома (бундан бўён матнда 18-сон шакл маълумотнома-билдиришнома деб юритилади) дастурий мажмуа орқали юборилади.

145. Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан жамланма харажатлар сметалари ва харажатлар сметаларига ўзгартириш киритилганлиги бўйича 17-сон шакл маълумотнома-билдиришнома ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет ташкилотларига дастурий мажмуа орқали юборилади.

146. Туманлар ва шаҳарлар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўзларининг бўйсунувидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликарга 17-сон шакл маълумотнома-билдиришномага асосан харажатлар сметаларига киритилган ўзгартиришлар 18-сон шакл маълумотнома-билдиришнома дастурий мажмуа орқали юборилади.

147. Хабарнома ва 17-сон шакл маълумотнома-билдиришнома тегишли бюджетларнинг харажатлари ёйилмаларига ўзгартиришлар киритишга асос бўлади.

\* 33-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

148. Юқори турувчи ва қуи турувчи бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ёйилмасига киритилган ўзгартиришлар бюджетлараро ўзаро хисоб-китобларда акс эттирилади.

149. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлар кўрсаткичларининг камайиши (кўпайиши) ёки харажатлари параметрларининг кўпайиши (камайиши) натижасида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ушбу бюджетларга бюджетлараро ўзаро хисоб-китоблар бўйича қарздорлиги юзага келади.

150. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бюджетлараро ўзаро хисоб-китоблар бўйича жорий қарздорликни қоплаш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан маблағлар ўтказиб берилади.

## **2-§. Даромадлар ёйилмаларига ўзгартиришлар киритиш**

151. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг балансилигини таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноз кўрсаткичлари жорий молия йилининг 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь ва келгуси молия йилининг 1 январь ҳолатига бажарилиши керак.

152. Молия йили мобайнида Давлат бюджети бюджетларининг даромадлар ёйилмаларига:

бюджет даромадларини камайтиришни ёки кўпайтиришни назарда тутувчи қонунчилик хужжатлари қабул қилинганда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогнози аниқлаштирилганда ўзгартиришлар киритилади.

153. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ёйилмаларига ўзгартиришлар киритилганда, ушбу бюджетлар даромадларининг контингент прогнозларига ҳам ўзгартиришлар киритилади.

154. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари тегишли бюджетлар даромадларининг ёйилмасига киритилган ўзгартиришлар бўйича хабарномаларни тегишли қуи турувчи иқтисодиёт ва молия органларига ахборот тизими орқали юборади.

155. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Давлат бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичларини ўзгартиришда унинг чораклик тақсимоти Солиқ қўмитаси иштирокида аниқланган даромадларнинг ҳажми ҳамда уларнинг турлари бўйича хисоб-китоб тайёрланади. Ушбу хисоб-китоблар асосида даромадларнинг аниқ турлари бўйича кўрсаткичлари аниқланади.

156. Давлат бюджети даромадларининг аниқланган кўрсаткичлари бўйича тайёрланган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири ёки тегишли ўринбосарига кўриб чиқиш учун киритилади.

157. Давлат бюджети даромадларининг аниқланган кўрсаткичлари тўғрисида қўйидагиларга:

Солик қўмитаси;

Божхона қўмитаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари хабардор қилинади.

Худудий молия органлари тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноз кўрсаткичларига киритилган ўзгартиришлар ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаларига хабар қилади.

158. Давлат бюджети даромадлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадларининг тасдиқланган параметрларига ўзгартиришлар киритилганда, ушбу бюджетларининг даромадлар ёйилмасига ўзгартириш киритиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига хабарномалар ахборот тизими орқали юборилади.

Бунда, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган даромадлар прогнозига ўзгартиришлар киритилганида бу тўғрисида туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари ёйилмасига ўзгартиришлар киритилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан қуи турувчи иқтисодиёт ва молия органларига хабарномалар ахборот тизими орқали юборилади.

159. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказиладиган даромадлар прогнозига ўзгартиришлар киритилганда, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари ёйилмасига ўзгартиришлар киритиш Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

160. Тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ёйилмаларининг даромадлар қисмини аниқлаштиришда хатоликларга йўл қўйилганда, худудий иқтисодиёт ва молия органлари юкори турувчи иқтисодиёт ва молия органларига тузатишлар киритилганлиги тўғрисида хабарномани тақдим этган ҳолда, бюджет даромадларининг аниқлаштирилган прогнозлари доирасида йўл қўйилган хатоликларга тузатишлар киритилади.

Бунда, худудий иқтисодиёт ва молия органи хатоликни аниқлаган вақтда, зудлик билан даромад прогнозини хатолигини бартараф этади. Хатоликни тузатиш учун тайёрланадиган хабарномада қўйидагилар кўрсатилади.

«20\_\_-йил \_\_\_\_даги \_\_-сон билдиришнома-маълумотномага муваффик 20\_\_ йилнинг \_\_-чорак \_\_\_\_ ойининг даромадлар кўрсаткичларига аниқликлар киритилмоқда.».

### **3-§. Харажатлар ёйилмаларига ўзгартиришлар киритиш**

161. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ёйилмаларига қўйидаги ҳолатларда ўзгартиришлар киритилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўзгартириш киритиш зарурати назарда тутилган қонунчилик хужжатлари қабул қилинганда (бюджет маблағларини тақсимловчилар ва ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар янгидан ташкил этилганда ёки бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бўйсунуви ўзгарганда ва бошқа ҳолатларда);

б) иш хақи, стипендиялар ва нафақалар миқдори, шунингдек айрим хизмат турлари бўйича тарифлар оширилиши билан боғлиқ харажатлар ўзгарганда;

в) Ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари томонидан ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлари ёйилмасига ўзгартириш киритилганда;

г) бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет ташкилотлари ташаббуси билан харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритилганда.

162. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ёйилмаларига ўзгартиришларнинг камайтирилаётган қисми тегишли ёйилмаларнинг бюджет таснифи ва ойида кўзда тутилган миқдорлардан ортиқ миқдорда бўлишига йўл қўйилмайди.

163. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатларига уларнинг тасдиқланган параметрлари доирасида биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни сотиб олиш харажатлари бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағларни кўпайтириш ёки камайтиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар факат ҳудудий иқтисодиёт ва молия органларининг сўровномасига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

164. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларини мос равишда ошириш ҳисобига ўзгартиришлар киритиш Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан маҳаллий бюджетнинг даромадлари ва харажатларини мос равишда ошириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ижобий холосаси олингандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари томонидан маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларини мос равиша ошириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлари Иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан қелишилади ҳамда ижобий хулоса олингандан сўнг туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тегишли ҳокимликлар ва Иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан маҳаллий бюджетнинг даромадлари ва харажатларини мос равиша ошириш юзасидан киритилган таклифларини бир хафта муддатда кўриб чиқади ва тегишли хулоса беради.

#### **4-§. Қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан харажатлар ёйилмасига ўзгартиришлар киритиш**

165. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, шунингдек Вазирлар Мажкамасининг қарорлари асосида янги ташкил этилган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга бюджетдан ажратмалар ёки қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни молиялаштириш учун маблағлар йўналтириш мақсадида Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар параметрлари оширилганда, жорий молия йилидаги тегишли бюджетлар даромадлар ва харажатлар ёйилмасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилади.

166. Давлат бюджети параметрларида янги ташкил этилган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга бюджетдан ажратмалар ёки қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни молиялаштириш учун қўшимча маблағлар йўналтириш кўзда тутилмагандан, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг даромадлари ва харажатлари ёйилмасига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тегишли ўзгартиришлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга 17-сон шакл маълумотнома-билдиришномани юбориш орқали амалга оширилади.

Бунда, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга, қуйи турувчи бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга жамланма харажатлар сметалари ва харажатлар сметаларини тузиш учун 18-сон шакл маълумотнома-билдиришномани юборади.

167. Давлат бюджети параметрларида янги ташкил этилган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга бюджетдан ажратмалар ёки қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида қўшимча маблағлар йўналтириш кўзда тутилмаганда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ёйилмасига ўзгартиришлар киритилган холда ушбу бюджетларнинг харажатлар ёйилмасида кўзда тутилган маблағлар доирасида тегишли ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари томонидан ўзгартиришлар киритилади.

168. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳудудий жойлашуви, идоравий ёки бошқа жиҳатдан бўйсунув даражаси ўзгариши натижасида бюджетдан ажратмалар бир бюджетдан иккинчи бюджетга олиб берилганда, юқори турувчи иқтисодиёт ва молия органлари томонидан Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ёйилмасига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилади.

**5-§. Иш ҳақи, стипендиялар ва нафақалар миқдори, шунингдек айрим хизмат турлари бўйича тарифлар оширилиши муносабати билан харажатлар ёйилмасига ўзгариш киритиш**

169. Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга мувофиқ тасдиқланган бюджет параметрларида инфляция даражаси, нарх омили ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ўзгариши муносабати билан бюджет харажатларини индексация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети параметрларида режалаштирилган бюджет маблағлари назарда тутилиши мумкин.

Давлат бюджети параметрларида иш ҳақи, стипендиялар, нафақаларнинг оширилиши муносабати билан маҳсулот ва хизматлар нархлари ва тарифларининг оширилиши (харажатларни индексация қилиш) билан борлиқ қўшимча бюджет харажатларини қоплаш учун режалаштирилган бюджет маблағлари бюджет таснифининг тегишли бўлим, кичик бўлим ва харажат моддалари бўйича асосий бюджет маблағлари суммасидан алоҳида ҳисобга олинади.

170. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг харажатлари таркибида келгусида қайта тақсимлаш мақсадида режалаштирилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бошқа бюджетга ўтказилиши назарда тутилганда, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва тегишли бюджетларнинг харажатлари ёйилмасига ўзгартиришлар киритилади ҳамда ушбу ўзгартиришлар ҳисобига юқори бюджетдан қўйи бюджетларга ўзаро ҳисоб-китоб маблағлари ажратилади.

**6-§. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари ҳамда туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан харажатлари ёйилмасига ўзгартириш киритиш**

171. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари ҳамда туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан маҳаллий бюджетларнинг харажатлар ёйилмаларига ўзгартиришлар қўйидаги ҳолларда киритилади:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг тасдиқланган параметрларидаги ривожлантириш дастурлари бўйича кўзда тутилган маблағларга тегишли халқ депутатлар кенгашларининг қарорлари асосида ўзгартириш киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг тасдиқланган параметрларида кўзда тутилган маблағларни (бундан биринчи ва иккинчи гурух харажатлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар сотиб олиш харажатлари (бундан буён матнда чеклов ўрнатилган харажат моддалари деб юритилади) мустасно) тегишли халқ депутатлар кенгашларининг қарорлари билан бошқа соҳаларга йўналтириш;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан маблағ олувчи бюджет ташкилотларининг сўровлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан киритилган тасдиқланган харажатлар сметасидаги чеклов ўрнатилган харажат моддаларини камайтириш ёки кўпайтириш;

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан III гурух харажатлари «Капитал кўйилмалар» харажат тури бўйича алоҳида очилган шахсий фазна ҳисобварақларида юритиладиган харажатлар сметаси доирасида бир харажат моддасини камайиши ҳисобига бошқа харажат турини кўпайтириш.

172. Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари бюджет ташкилотларининг сўровларига асосан тасдиқланган харажатлар сметасидағи чеклов ўрнатилган харажат моддаларини камайтириш ёки кўпайтиришни кўзда тутувчи маълумотни ахборот тизимиға киритади ва кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармаларига ахборот тизими орқали юборади.

173. Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан бюджет ташкилотларининг сўровлари ва тегишли халқ депутатлар кенгашлари қарорларига асосан харажатлар сметасига киритилган ўзгаришлар марказлашган бухгалтерияга эга бўлган бюджет ташкилотлари тасарруфидаги бюджет ташкилотларига харажатлар сметаларига ўзгартиришларининг 17-сон шакл маълумтонома-билдиришномалари, марказлашган бухгалтерия томонидан эса 18-сон шакл маълумтонома-билдиришномалар дастурий мажмуя орқали юборилади.

174. Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармасидан маблағларни ажратиш Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси ва халқ депутатлари ҳудудий Кенгашларининг маҳаллий бюджетлар тўғрисидаги қарорларига ўзгартиришлар киритилмасдан амалга оширилади.

**7-§. Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет ташкилотлари ташаббуси билан харажатлар сметаларига ўзгартеришлар киритиш**

175. Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет ташкилотларининг сўровига кўра молия йилида унинг учун назарда тутилган харажатларнинг айрим моддалари бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ҳажми харажатларнинг бошқа моддалари бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлар тенг миқдорда камайтирилган ҳамда бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет ташкилотлари учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тасдиқланган умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда қўпайтирилиши мумкин.

Бунда, харажатлар сметасидаги коммунал тўловлар бўйича қўзда тутилган харажатларни бошқа моддаларга ўтказишда маблағлар камайтирилгандан кейин қолган маблағ жорий йилнинг қолган даврига етиши инобатга олиниши лозим.

Мазкур ўзгартеришлар ахборот тизимида:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет ташкилотлари бўйича — биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет ташкилотлари бўйича — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шахрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини тақсимловчилар ҳамда бюджет ташкилотлари бўйича — тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан;

туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини тақсимловчилар ва бюджет ташкилоти бўйича — туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

176. Бюджет маблағлари тақсимловчининг, бюджет ташкилотининг ва бюджет маблағлари олувчининг сўровига кўра камайтириш томонга ўзгартеришлар киритишга йўл қўйилмайдиган харажатлар моддалари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланади.

177. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг ташаббуси билан уларнинг тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида бюджетдан ажратилган маблағларни қўпайтириш ёки камайтиришни назарда тутивчи барча киритиладиган ўзгартеришлар ҳажми ижро жараёнида бюджет таснифига мувофиқ ойма-ой баланслашган бўлиши шарт.

178. Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметасига йил мобайнида ўзларининг ташаббуси билан киритиладиган ўзгартеришлар дастурний мажмua орқали амалга оширилади ва ахборот тизимида автоматик

тарзда тасдиқланади. Бунда, алоҳида шахсий ғазна хисобвараклари бўйича қўйидаги ўзгартиришлар амалга оширилади:

харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида ойма-оїй баланс таъминланган ҳолда бир харажат моддасини камайтириш, мос равишда бошқа харажат моддасини кўпайтириш;

харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида ойма-оїй баланс таъминланган ҳолда харажат моддалари бўйича айримларини олдинги ойга ўтказиш, мос равишда бошқа харажат моддасини кейинги ойга ўтказиш.

Мазкур банднинг биринчи — учинчи хатбошиларида белгиланган ўзгартиришлар чеклов ўрнатилган харажат моддалари бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағларни кўпайтириш ёки камайтиришга нисбатан татбиқ этилмайди.

179. Бюджет ташкилотларининг сўровига мувофиқ чеклов ўрнатилган харажат моддалари бўйича Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат раками 2634, 2014 йил 15 декабрь) 17-илювасига мувофиқ харажатларни камайтириш ёки кўпайтириш тегишли иқтисодиёт ва молия органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **4-боб. Давлат бюджетининг қўшимча манбаларини аниқлаш**

##### **1-§. Умумий қоидалар**

180. Давлат бюджетининг қўшимча манбалари Давлат бюджетининг ҳар бир даражасидаги бюджетларида алоҳида-алоҳида шакллантирилади ва қўйидагилардан ташкил топади:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ҳар йил бошида аниқланадиган эркин қолдик маблағлари;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг биринчи — учинчи хисобот чораклари якунлари бўйича аниқланадиган прогноздан ошириб бажарилиши;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган маблағлар;

Бюджет кодексининг 120-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ бюджетдан ажратиладиган маблағлар камайтирилиши натижасида бўшаб қолган маблағлар.

181. Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушадиган тушумлар бўйича даромадлар прогнози белгиланмайди.

182. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадларининг биринчи — учинчи ҳисобот чораклари якунлари бўйича даромадларни прогноздан ошириб бажарилган миқдори, электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган хуқуqlарни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан харажатлар тегишли бюджетлар прогнозларига ўзгартиришлар киритилмасдан амалга оширилади.

### **2-§. Эркин қолдиқ маблағларини аниқлаш**

183. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шахрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ҳар молия йили бошида аниқланадиган эркин қолдиқ маблағлари тегишли бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисботлар асосида қўйидаги формула асосида аниқланади:

$$\mathcal{E}K = \mathcal{I}BK - AKM$$

Бунда:

$\mathcal{E}K$  — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шахрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ҳар молия йили бошида аниқланадиган эркин қолдиқ маблағлари;

$\mathcal{I}BK$  — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шахрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг бюджет тизими бюджетлари ўртасидаги муносабатлари якунлари бўйича ҳар молия йили бошидаги қолдиқ маблағлари (юкори турувчи бюджетдан жалб қилинган бир молия йилидан ортиқ, аммо уч молия йилидан ортиқ бўлмаган муддатга берилган бюджет ссудасидан қарздорлик суммаси чегирилган ҳолда);

$AKM$  — молия йилида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварагларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг эркин қолдиқ маблағлари республика бюджети профицит билан бажарилган ҳолда аниқланади.

### **3-§. Даромадларни прогноздан ошириб бажарилган миқдорини аниқлаш**

184. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2024 й.

тон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг биринчи — учинчи ҳисобот чораклари якунлари бўйича даромадларини прогноздан ошириб бажарилган миқдори кўйидаги формула асосда аниқланади:

$$\text{ДОБп} = \text{ДТп} - \text{ДАПп} - (\text{ОТп} - \text{ОТ}(n-1))\chi - \text{ECTп}; \\ n=1, 2 \text{ ва } 3 \text{ ҳисобот чораги}$$

Агар:

$$(\text{ОТп} - \text{ОТ}(n-1)) \geq 0 = 1;$$

$$(\text{ОТп} - \text{ОТ}(n-1)) < 0 = 0.$$

Бунда:

ДОБп — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг тегишли ҳисобот чораклари якунлари бўйича даромадларни прогноздан ошириб бажарилган миқдори;

ДТп — тегишли ҳисобот чорагида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳақиқатда тушган тушумлар;

ДАПп — тегишли ҳисобот чораги учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг солиқлар ва ўйғимлар бўйича даромадларнинг аниқланган прогнози;

ОТп — тегишли ҳисобот даври якунидаги Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларига белгиланган ажратмалар меъёрларига мувофиқ солиқлар ва ўйғимларнинг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммалари;

ОТ(n-1) — тегишли ҳисобот даври бошидаги Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларига белгиланган ажратмалар меъёрларига мувофиқ солиқлар ва ўйғимларнинг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммалари;

ECTп — тегишли ҳисобот чорагида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳақиқатда тушган электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари, бунда ушлаб қолинган закалат суммаси, аукцион ташкил этиш

хизматлари тўлови ва ер участкаларини танлаш материалларини тайёрлаш қиймати чегириб ташлаган ҳолда.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг прогноздан ортиқча бажарилган миқдори тегишли ҳисобот даври яқуни бўйича республика бюджети профицит билан бажарилган ҳолда аниқланади.

185. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг биринчи — учинчи ҳисобот чораклари яқунлари бўйича даромадларни прогноздан ошириб бажарилган миқдорини аниқлашда:

тегишли ҳисобот чораги учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича даромадларнинг аниқланган прогнози;

тегишли ҳисобот чорагида элекtron савдо майдончасида ер участкалаriga бўлган хуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари (ушлаб қолинган закалат суммаси, аукцион ташкил этиш хизматлари тўлови ва ер участкаларини танлаш материалларини тайёрлаш қийматини чегириб ташлаган ҳолда) бўйича маълумотлар тегишинча Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўйимлари томонидан шакллантирилади.

Тегишли ҳисобот чорагида белгиланган ажратмалар меъёrlарига мувоғиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ҳақиқатда тушган тушумлар, тегишли ҳисобот даври бошидаги ва яқунидаги ушбу бюджетларга солиқлар ва йиғимларнинг ортиқча тўланган суммаси тегишинча Солиқ кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар солик инспекциялари томонидан шакллантирилади.

### **5-боб. Бюджет ташкилотлари товар-моддий қийматликларининг меъёрдан ортиқ захиралари**

186. Бюджет ташкилотлари меъёрда фаолият юритишларини таъминлаш учун товар-моддий қийматликларнинг муайян захирасига эга бўлиши мумкин. Бу захиралар ўрнатилган меъёрлардан ошмаслиги керак.

187. Захиралар меъёри товар-моддий қийматликларнинг алоҳида гурӯхлари асосида кунлар бўйича белгиланади.

188. Товар-моддий қийматликлар захираларининг фойдаланиладиган кунлар сони мазкур Қоидаларнинг 34-иловасига\* мувоғиқ белгиланади.

189. Бюджет ташкилотларида товар-моддий қийматликларининг меъёрдан

\* 34-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ортиқ захираларининг суммаларини аниқлаш мазкур Коидаларнинг 35-ило-  
васига\* мувофиқ шаклда амалга оширилади.

190. Бюджет ташкилотлари томонидан товар-моддий қийматликларнинг  
меъёрдан ортиқ захираларининг суммалари жорий молия йили учун режа-  
лаштирилган бюджет маблағлари хисобидан:

йиллик харажатлар суммасида белгиланган материаллар гурухи бўйича  
товар-моддий қийматликлар захираларининг меъёрлари;

ўтган йил бўйича ҳақиқий харажатлар тўғрисидаги маълумотлар асо-  
сида бюджет ташкилотларини бир меъёрда молиялаштирилиши учун зарур  
бўлган материаллар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва боғлаш  
воситалари, ёқилғи, ёнилғи-мойлаш материалларининг пул шаклидаги қий-  
матлари асосида амалга оширилади.

191. Овқат тайёрлаш билан боғлиқ харажатлари бўлмаган бюджет таш-  
килотлари (маданий-маърифий ташкилотлар, умумтаълим мактаблари ва  
бошқа муассасалар) бўйича ёқилғи, ёнилғи-мойлаш материалларининг  
меъёрий захираларининг суммаси йиллик молиявий хисоботларнинг «То-  
вар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги хисо-  
бот»ида кўрсатилган ушбу мақсадлар учун сарфланган маблағларни куз-қиши  
мавсумидаги кунлар сонига (асосан 5 ой куз-қиши мавсуми — 150 кун оли-  
нади) бўлиш ва олинган суммани меъёр бўйича фойдаланиладиган кунлар  
сонига кўпайтириш орқали аниқланади.

192. Бюджет ташкилотлари учун ёқилғи, ёнилғи-мойлаш материаллари  
ва бошқа моддий қийматликлар меъёрий захиралари қўйидаги тартибда ҳи-  
собланади:

тиббиёт муассасалари бўйича — йиллик хисоботнинг «Товар-моддий за-  
хиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги хисобот»ида кўрса-  
тилган ташкилот эҳтиёжи учун сарфланган материаллар ва озиқ-овқат маҳ-  
сулотларининг ҳар бир гурухи бўйича кўрсатилган сумма 360 га бўлинади  
ва олинган натижа меъёр бўйича фойдаланиладиган кунлар сонига кўпайти-  
лади;

бошқа ташкилотлар бўйича — йиллик хисоботнинг «Товар-моддий захи-  
ралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги хисобот»ида кўрсатил-  
ган ташкилот эҳтиёжи учун сарфланган материаллар ва озиқ-овқат маҳсу-  
лотларининг ҳар бир гурухи бўйича кўрсатилган сумма 305 га бўлинади ва  
олинган натижа меъёр бўйича фойдаланиладиган кунлар сонига кўпайти-  
лади;

аввалги йилда йил давомида тўлиқ фаолият кўрсатмаган янги бюджет  
ташкилотлари очилганда — йиллик хисоботнинг «Товар-моддий захиралар  
ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги хисобот»ида кўрсатилган  
ташкилот эҳтиёжи учун сарфланадиган материаллар ва озиқ-овқат маҳсу-  
лотларининг ҳар бир гурухи бўйича кўрсатилган сумма ҳақиқатда фаолият  
кўрсатилган кунлар сонига бўлинади ва олинган натижа меъёр бўйича фой-  
даланиладиган кунлар сонига кўпайтирилади.

193. Товар-моддий қийматликларнинг ҳар бир гурухи (тури) бўйича за-

\* 35-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хираларнинг чекланган миқдори йиллик молиявий ҳисоботнинг «Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»ида кўрсатилган йил охирига товар-моддий қийматликларнинг ҳар бир гурухи бўйича қолдиқлари билан таққосланади. Товар-моддий қийматликларнинг ҳар бир тури бўйича захира чекланган миқдори ва захираларнинг ҳақиқий қолдиғи ўртасида ҳисобланган фарқ аниқланади ва жорий йил бюджетидан чегирилади.

194. Коммунал тўловлар бўйича жорий йилнинг 1 январь ҳолатига дебитор қарздорликнинг қонунчиликка мувофиқ коммунал тўловлар учун олдиндан тўловларидан ортиқча суммаси ҳисобга олинади.

195. Бюджетга чегирилиши керак бўлган товар-моддий қийматликларнинг ортиқча захиралари ҳамда коммунал тўловлар бўйича дебитор қарздорлик суммалари:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилладиган бюджет ташкилотлари (жумладан, иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар) бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштирилладиган бюджет ташкилотлари бўйича эса Қорақалпоғистон республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда вилоятлар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан;

туманлар ва шаҳарлар бюджетидан молиялаштирилладиган бюджет ташкилотлари (жумладан, марказлашган бухгалтерия хизмат кўрсатувчи бюджет ташкилотлари ва муассасалари) бўйича туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан аниқланади.

Бунда, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўзи ва тизимидағи иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун чегирилиши лозим бўлган товар-моддий қийматликларнинг ортиқча захиралари ва чегириладиган дебитор қарздорлик суммалари бўйича ҳисоб-китоб билан биргаликда «Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»и бўйича товар-моддий қийматликларнинг ҳақиқий қолдиқ суммаси ҳамда дебитор қарздорликлар тўғрисидаги маълумотлар Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг тегишли тармоқ бўлинмаларига тақдим этилади.

196. Жорий йил харажатлар сметаларида режалаштирилган маблағлар ҳисобига товар-моддий қийматликларнинг ортиқча захираларини ҳисобга олиш ҳамда коммунал тўловлар бўйича чегириладиган дебитор қарздорлик суммасининг ҳисоб-китоби иқтисодиёт ва молия органининг масъул бўлинмаси томонидан тузилади ва иқтисодиёт ва молия органининг раҳбари томонидан тасдиқланади ҳамда ҳисобга олиш натижалари эса тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига маълум қилинади.

197. Бюджет маблағларини тақсимловчилар ҳамда марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларидаги бир бюджет ташкилоти учун товар-моддий қийматликларнинг захирасидаги етишмайдиган қисми бошқа бюджет ташкилотларидан бюджетга чегирилаётган сумма ҳисобидан камайтирилмайди.

198. Бюджет ташкилотлари товар-моддий қийматликларнинг меъёрдан ортиқ захираларининг суммаларидан тегишли товар-моддий қийматликларнинг ўтган ва жорий молия йилидаги нархлар ўртасидаги фарқ ҳисобига юзага келган суммалар чегирилмайди.

199. Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари рўйхатдан ўтказилганидан сўнг, ҳисбот кўрсаткичларидан келиб чиқиб IV гурӯҳ харажатлари бўйича товар-моддий қийматликларнинг меъёрдан ортиқча захираларининг суммалари ва чегириладиган дебитор қарздорликлар суммалари жорий молия йилининг 15 майига қадар харажатлар сметасидан камайтирилади ва маблағлар тегишли бюджетларнинг тегишинча бўлим, боблари бўйича харажат моддасида жамланади.

#### **IV бўлим. Якуний қоида**

200. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**358** Акциядорлик жамиятлари ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режасини жорий этиш тартиби тўғрисида-ги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3559*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон «Капитал бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Акциядорлик жамиятлари ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режасини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Истиқболли лойиҳалар миллий  
агентлиги директори**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 4 сентябрь,  
8-сон

*Келишилди:*

*Иқтисодиёт ва молия вазири*

**Д. КУЧКАРОВ**

*2024 йил 29 август*

*Рақобатни ривожлантириш ва  
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя  
қилиш қўмитаси раиси*

**Х. ТУРАХУЖАЕВ**

*2024 йил 16 август*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 9 октябрда эълон қилинган.

Давлат активларини бошқариши  
агентлиги директори

А. ОРТИКОВ

2024 йил 23 август

Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил

Д. КАСИМОВ

2024 йил 20 август

Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси

Д. ВАХАБОВ

2024 йил 15 август

Ўзбекистон Республикаси  
Истиқболли лойиҳалар миллӣ агентлиги  
директорининг 2024 йил 4 сентябрдаги  
8-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Акциядорлик жамиятлари ходимларининг акцияларга  
эгалик қилиш режасини жорий этиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси худудида акциядорлик жамиятлари ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режасини жорий этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**акциядорлик жамиятлари ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режаси** (бундан бўён матнда эгалик қилиш режаси деб юритилади) — акциядорлик жамиятлари ходимларига жамият акцияларини сотиш ёки акцияларга доир опционни сотишга (беришга) қаратилган шартлар, келишувлар ва чора-тадбирлар мажмуи;

**акциядорлик жамияти** (бундан бўён матнда жамият деб юритилади) — устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат ташкилоти;

**акциядорлик жамияти ходими** (бундан бўён матнда ходим деб юритилади) — жамият билан меҳнат шартномасини тузган жисмоний шахс;

**опцион** — эмиссиявий қимматли қофоз бўлиб, у ўз эмитентининг муайян миқдордаги қимматли қофозларини унда назарда тутилган муд-

датда, қатъий белгиланган нарх бўйича сотиб олишга бўлган ҳукукини тасдиқлайди.

2. Акциялари бирламчи оммавий таклиф қилиш орқали сотилиши белгиланган давлат улуши эллик фоиз ва ундан ортиқ бўлган жамиятларда эгалик қилиш режаси жорий этилиши шарт.

Мазкур банднинг биринчи хатбоҳисида назарда тутилмаган жамиятлар эгалик қилиш режасини ўз ихтиёрига кўра жорий этиши мумкин. Бунда, жамият томонидан эгалик қилиш режасини жорий этишда мазкур Низомда белгиланган талабларга риоя этилиши лозим.

3. Эгалик қилиш режасини жорий этиш жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатига киради.

4. Жамият томонидан эгалик қилиш режасининг жорий этилиши ва унга риоя қилиниши устидан назорат қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

## **2-боб. Эгалик қилиш режаси доирасида ходимларнинг ҳукуқлари**

5. Эгалик қилиш режаси доирасида ходимларни жамият акцияларини сотиб олишга ёки акцияларга доир опционни сотиб олишга мажбур қилиш тақиқланади.

6. Жамият томонидан эгалик қилиш режаси доирасида ходимларга акцияларни сотиш учун уларнинг иш ҳақи, мукофотлар, иш ҳақига қўшимча тўловлар, устамалар ва бошқа тўловларидан ушлаб қолиш тақиқланади.

7. Эгалик қилиш режаси бўйича акцияларни сотишда барча ходимлар учун бир хил шартлар белгиланиши ҳамда тенг имкониятлар берилиши лозим, бундан ходимлар ва кузатув кенгаши аъзоларига мукофотни ёки рағбатлантириш тўловини акцияларга доир опционлар тарзида бериш мустасно.

Эгалик қилиш режаси доирасида камситиш тақиқланади. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, яшаш жойи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик сифатлари ва меҳнати натижалари билан боғлиқ бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб эгалик қилиш режаси доирасида бирор-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита чекловлар белгилаш, худди шунингдек бирор-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита имтиёзлар бериш камситишдир.

8. Эгалик қилиш режаси доирасида жамият акцияларини олган ходим қонунчиликда белгиланган акциядорнинг барча ҳукуқларига эга бўлади ҳамда акцияларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади, бундан акцияларга доир опционни чиқариш шартларида уларнинг муомаласига чекловлар назарда тутилган ҳоллар мустасно.

9. Жамият ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларининг тугатилиши ходимларнинг жамият акцияларига нисбатан ҳукуқларига таъсир қилмайди.

10. Жамият ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олишга йўналтирилган маблағлари бўйича солик имтиёзлари қонунчиликда белгиланган тартибда қўлланилади.

### **3-боб. Эгалик қилиш режасини жорий этиш**

11. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ эгалик қилиш режасини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда ушбу қарор билан эгалик қилиш режаси ҳақидаги ҳужжат тасдиқланади.

12. Эгалик қилиш режаси ҳақидаги ҳужжатда жамият томонидан ходимларга акцияларни сотиш ёки акцияларга доир опционни сотиш (бериш) шартлари ва тартиби ҳамда эгалик қилиш режаси билан боғлик бошқа муҳим шартлар кўрсатилади.

13. Жамият эгалик қилиш режаси жорий этилганлиги ҳақидаги ахборотни у жорий этилган кундан бошлаб икки иш куни ичida ўз веб-сайти ва Корпоратив ахборотнинг ягона порталида жойлаштириш йўли билан ошкор қилиши шарт.

Жамият эгалик қилиш режаси ҳақидаги ҳужжат тасдиқланган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай ушбу ҳужжат билан барча ходимларни таништириши лозим.

14. Жамият эгалик қилиш режаси доирасида ходимларга акцияларни сотиш ёки акцияларга доир опционни сотиш (бериш) мақсадида жамият акцияларини қайтариб сотиб олиши мумкин.

15. Эгалик қилиш режаси доирасида жамият акцияларини қайтариб сотиб олиш бозор қўйматида амалга оширилади.

### **4-боб. Эгалик қилиш режаси доирасида акцияларга доир опционни сотиш (бериш)**

16. Эгалик қилиш режаси доирасида жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан жамият акциялари:

ходимларга акцияларга доир опционни сотиш орқали;

ходимлар ва кузатув кенгаши аъзоларига мукофотни ёки рағбатлантириш тўловини акцияларга доир опционлар тарзида бериш орқали ўтказилиши мумкин.

17. Эгалик қилиш режаси доирасида акцияларга доир опционларни чиқариш ва давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг акцияларга доир опционларни сотиш (бериш) тўғрисидаги қарорида акцияларга доир опционларни олувчи ходимлар рўйхати ва уларнинг ҳар бири оладиган опционлар сони, акцияларга доир опционлар асосида сотиладиган (бериладиган) акция-

лар сони, миқдори, уларни сотиш (бериш) муддати ҳамда сотиш нархи кўрсатилиши лозим.

19. Олиш хуқуқини опционлар берадиган муайян турдаги акцияларнинг сони акцияларга доир опционлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра жойлаштирилган ушбу турдаги акцияларнинг 5 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бунда, бир нафар ходимга сотиладиган (бериладиган) олиш хуқуқини опционлар берадиган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги акцияларнинг 0,1 фоизидан ошмаслиги лозим.

20. Акцияларга доир опционни чиқариш шартларида уларнинг муомаласига чекловлар назарда тутилиши мумкин.

21. Ходимлар ва кузатув кенгаши аъзоларига мукофотни ёки рағбатлантириш тўловини акцияларга доир опционлар тарзида беришда акцияларнинг қийматини қоплаш билан боғлиқ харажатлар жамият соф фойдасининг бир қисми, тақсимланмаган фойда, жамият томонидан ташкил этилган маҳсус жамғарма ёки қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

### **5-боб. Эгалик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиш**

22. Эгалик қилиш режаси жорий этилган жамиятда ходимлар ўз маблағлари ҳисобидан жамият акцияларини сотиб олиш учун мурожаат қилиш хуқуқига эга.

23. Эгалик қилиш режаси доирасида акцияларни ходимларга сотиш шартлари ва тартиби, шунингдек ходимларга сотиладиган акцияларнинг жами умумий миқдори ҳамда бир ходимга сотиладиган акцияларнинг энг кўп миқдори эгалик қилиш режаси ҳақидаги ҳужжатда белгиланади.

24. Ходим эгалик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олиш учун жамиятнинг ижроия органи раҳбарига ариза билан мурожаат қиласди.

25. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ходимларнинг акцияларни сотиб олиш ҳақидаги мурожаатларини хар чорақда бир марта акциядорларнинг умумий ўифилиши кун тартибига киритиш масаласини кўриб чиқиш учун кузатув кенгашига тақдим этади.

26. Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий ўифилиши томонидан ходимларга жамият акцияларини сотиш масаласи эгалик қилиш режаси ҳақидаги ҳужжат ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиласди.

27. Акцияларни сотиш тўғрисида жамият ва ходим ўртасида шартнома тузилади. Шартномада сотиладиган акцияларнинг сони ва қиймати ҳамда томонларнинг ихтиёрига кўра бошқа муҳим шартлар назарда тутилиши лозим.

28. Жамият томонидан эгалик қилиш режаси доирасида жамият акциялари ходимларга бозор қийматида сотилади.

### **6-боб. Якуний қоидалар**

29. Ходимлар эгалик қилиш режаси доирасида ўз хуқуқларининг бузили-

ши юзасидан қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ёки судга мурожаат қилишлари мумкин.

30. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH VA ISTE'MOLCHILAR  
 HUQUQLARINI HIMoya QILISH QO'MITASINING  
 QARORI

**359** “Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o‘rganish, ko‘rik) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
11-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2196-4*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 10-iyuldaggi 405-son “O‘zbekiston Respublikasining “Raqobat to‘g‘risida”gi Qonuni qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasining 2011-yil 10-fevraldagi 1-son “Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o‘rganish, ko‘rik) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 2196, 2011-yil 18-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 7-8-son, 73-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Rais**

**H. TURAXUJAYEV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 27-sentabr,  
03/05-05/01-son

*Kelishildi:*

*Savdo-sanoat palatasi raisi*

**D. VAXABOV**

2024-yil 17-sentabr

O'zbekiston Respublikasi  
 Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar  
 huquqlarini himoya qilish qo'mitasining 2024-yil  
 27-sentabrdagi 03/05-05/01-son qaroriga  
 ILOVA

**"Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama  
 to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi  
 yuzasidan tahlil (o'rganish, ko'rik) o'tkazish tartibi to'g'risidagi  
 yo'riqnomani tasdiqlash haqida"gi qarorga kiritilayotgan  
 o'zgartirishlar**

1. Qarorining muqaddimasidagi "Vazirlar Mahkamasining 2005-yil 12-oktabrdagi 225-son qarori (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2005-y., 41-42-son, 317-modda) bilan tasdiqlangan Raqobat, tabiiy monopoliyalar, iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to'g'risidagi qonun hujjatlarini buzganlik uchun ish qo'zg'atish va ularni ko'rib chiqish tartibi to'g'risidagi nizomga hamda Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 30-dekabrdagi 374-son qarori (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 2-son, 19-modda) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasi to'g'risidagi" degan so'zlar "Vazirlar Mahkamasining 2005-yil 12-oktabrdagi 225-son qarori bilan tasdiqlangan Raqobat, iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to'g'risidagi qonunchilikni buzganlik uchun ish qo'zg'atish va ularni ko'rib chiqish tartibi to'g'risidagi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Yo'riqnomada:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Mazkur Yo'riqnomada iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari (keyingi o'rnlarda qonunchilik hujjatlari deb yuritiladi) talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o'rganish, ko'rik) o'tkazish tartibini belgilaydi.";

2) 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"11. O'tkazilayotgan tahlil davomida huquqbazarlik holati (belgi)larini mavjudligiga yetarlicha asoslar aniqlangan taqdirda, monopoliyaga qarshi organ O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2005-yil 12-oktabrdagi 225-son qarori bilan tasdiqlangan Raqobat, iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to'g'risidagi qonunchilikni buzganlik uchun ish qo'zg'atish va ularni ko'rib chiqish tartibi to'g'risidagi nizomga muvofiq iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va/yoki reklama to'g'risidagi qonunchilik buzilganligi to'g'risida ish qo'zg'atish yoki ish qo'zg'atmasdan ko'rsatma berish bo'yicha zarur choralarini ko'radi.".

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**360** «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3292-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдағи ПФ-111-сон «Ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солишининг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 15 мартағи ПҚ-5025-сон «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 31 мартағи 7-мҳ-сон «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3292, 2021 йил 31 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари милллий базаси, 31.03.2021 й., 10/21/3292/0258-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя милллий агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 10 октябрь,  
27-мҳ-сон

*Келишилди:*

*Иқтисодиёт ва молия вазири*

**Ж. КУЧКАРОВ**

2024 йил 8 октябрь

*Экология, атроф-муҳитни муҳофаза  
қилиши ва иқлим ўзгариши вазири*

*А. АБДУХАКИМОВ*

2024 йил 3 октябрь

*Рақобатни ривожлантириши ва  
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя  
қилиши қўмитаси раиси*

*Х. ТУРАХУЖАЕВ*

2024 йил 8 октябрь

*Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори  
М. ОЛЛОЁРОВ*

2024 йил 8 октябрь

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2024 йил 10 октябрдаги  
27-мҳ-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини  
баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисбот шаклларини тасдиқлаш  
хақида»ги буйруқقا киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқнинг 1-банди учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисбот шакллари 2 — 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.»

2. 1-иловада:

1) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Услубиётда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ишлиб чиқувчи** — лойиҳани ишлиб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ўтказувчи давлат органи ва ташкилоти;

**тартибга солиш воситаси** — жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши (риоя этилиши) мажбурий бўлган талаблар ёки бошқа чекловлар ёхуд уларга таъсир кўрсатадиган бошқа чоралар;

**таъсир** — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасида ҳамда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятлар, талаблар, тақиқ ва бошқа чекловларга риоя қилишда манфаатдор томонларда юзага келиши мумкин бўлган бевосита ёки билвосита фойда ва харажатлар;

**манфаатдор томонлар** — ўрганилаётган муаммо ёки таклиф эти

лаётган тартибга солиш доирасига тушадиган жисмоний ва юридик шахслар, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бошқаруви органлари;

**тартибга солиш таъсирини баҳолаш** (бундан буён матнда ТСТБ деб юритилади) — лойиҳанинг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек, норматив-хуқуқий хужжатнинг тартибга солиш мақсадларига эришилганлигини, самарадорлигини ҳамда тартибга солиш усулини қўллашда юзага келган оқибатларни аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

**ТСТБ ҳисоботи** — норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжат юзасидан ўтказилган ТСТБ якунлари бўйича ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланадиган хужжат;

**соддалаштирилган ТСТБ ҳисоботи** — норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси ишлаб чиқилишидан олдин ўтказилган ТСТБ якунлари бўйича ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланадиган хужжат;

**кенгайтирилган ТСТБ ҳисоботи** — норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда кенгайтирилган тартибда ўтказилган ТСТБ якунлари бўйича ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланадиган хужжат;

**миқдорий кўрсаткичлар** — маълум иқтисодий ёки жисмоний моҳиятга эга бўлган, сон сифатида ифодаланадиган кўрсаткичлар. Бунга барча молиявий ва бозор кўрсаткичлари (даромад, соф фойда, доимий ва ўзгарувчан харажатлар, сотиш ҳажми, бозор улуши ва бошқалар), қиймат бирлиги, вазн ва оғирлик, узунлик ва бошқа воситалар билан ўлчанадиган кўрсаткичлар киради;

**сифат кўрсаткичлари** — харажат, миқдор, вазн ва оғирлик, узунлик, самарадорлик ва бошқа ўлчовларнинг аниқ бирликлари билан ўлчаш қийин бўлган кўрсаткичлар. Улар, қоида тариқасида, одамларнинг маълум фактлар, ҳодисалар, уларнинг афзалликлари ва баҳоларига муносабатини акс эттиради. Сифат кўрсаткичлари фоизлар билан ҳам ўлчанади;

**фойда** — лойиҳа ёки норматив-хуқуқий хужжатда назарда тутилган талабларнинг бажарилиши муносабати билан манфаатдор томонларга келиши мумкин бўлган (келган) ҳар қандай шаклдаги фойда ёки даромад;

**харажатлар** — лойиҳа ёки норматив-хуқуқий хужжатда назарда тутилган талабларнинг бажарилиши муносабати билан манфаатдор томонларда юзага келиши мумкин бўлган (юзага келган) харажатлар.»;

2) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. «Ex-ante» усули бўйича лойиҳа ишлаб чиқилишидан олдин соддалаштирилган тартибда ҳамда лойиҳани ишлаб чиқиш билан бир вақтда кенгайтирилган тартибда ТСТБдан ўтказилади:

а) лойиҳа соддалаштирилган тартибда ТСТБдан ўтказилганда қўйидаги масалалар таҳлил қилинади:

муаммо тавсифи, шу жумладан, муаммо таъсир кўрсатаётган объектлар ва субъектлар;

давлат аралашувининг зарурати, мақсади ва муаммони ҳал қилиш ёки унинг салбий таъсирини камайтириш билан боғлиқ хатарлар;

муаммони ҳал қилишнинг муқобил усуллари;  
муқобил усулларнинг ижобий ва салбий таъсирлари ҳамда муаммони ҳал этишдаги эҳтимолий улуши;

мақбул усулининг бошқа усулларга нисбатан афзаллиги;  
мақбул усул орқали жорий этилиши кутилаётган тартибга солиш воситалари;

б) лойиҳа кенгайтирилган тартибда ТСТБдан ўтказилганда қўйидаги масалалар таҳлил қилинади:

тартибга солиниши керак бўлган муаммо таҳлили ва давлат аралашувининг зарурати (сабаблари);

тартибга солиш орқали эришилиши лозим бўлган мақсадлар;

муаммони ҳал қилишда муқобил усуллар, уларнинг афзалликлари ҳамда камчиликлари;

тартибга солиш таъсир кўрсатадиган субъектлар тўғрисида маълумотлар;

ҳар бир муқобил усулининг миқдорий ва сифат таҳлили, шу жумладан, фойда ва харажатлар таҳлили, тегишли соҳаларга (иктисодий соҳа, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитга) таъсирлари ва қўллашда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлари хавфи ва қиёсий таҳлил ёрдамида танланган мақбул усулни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги;

тартибга солиш мақсадларига эришиш учун зарур чора-тадбирлар ва кутилаётган натижалар;

войиҳанинг ёки унда белгиланган тартибга солиш воситаларининг амал қилиши таклиф қилинган даврни асослаш (амал қилиш муддати мавжуд бўлганда).»;

3) 6-банднинг бешинчи хатбошисидаги «рақобат муҳитига» деган сўзлар «тегишли соҳаларга (иктисодий соҳа, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитга)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 2-бобнинг 1-параграфи сарлавҳаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«1-§. Муаммони таҳлил қилиш ва давлат аралашуви заруратини (сабабларини) аниқлаш»;**

5) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Тегишли соҳада юзага келган (юзага келиши мумкин бўлган) муаммони аниқлаш, унинг сабаблари ва оқибатларни ўрганиш орқали тўғри ва самарали ечимларни ишлаб чиқиши мақсадида муаммолар таҳлили ўтказилади.

Муаммо тўғрисидаги маълумотлар аниқ шакллантирилиши, тавсифланиши, шу жумладан, қўйидагиларни назарда тутган ҳолда таҳлил қилиниши лозим:

муаммо вужудга келган соҳа;

соҳанинг ҳуқуқий тартибга солинганлик ҳолати (норматив-хуқуқий ҳужжатлар рўйхати, шунингдек, тартибга солишдаги бўшлиқлар) ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти (мурожаатлар, шикоятлар, суд тартибидаги ишлар сони ва мазмуни);

муаммо таъсир кўрсатаётган обьектлар ва/ёки субъектлар (субъектлар сонининг йиллар кесимидаш ўзгариш кўрсаткичи);

муаммонинг мавжудлиги сабабли келиб чиқкан (чиқиши мумкин бўлган) салбий оқибатлар;

муаммога оид статистик маълумотлар ҳамда бошқа миқдорий ва сифат кўрсаткичлар (мисол учун, ушбу соҳада муаммо мавжудлиги сабабли 1,5 мингта конун бузилишлар содир этилган бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларга 500 млн сўм миқдорда зарар етказилган).»;

6) 2-бобдан 2-параграф сарлавҳаси чиқариб ташлансин;

7) 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Муаммо юзага келган (юзага келиши мумкин бўлган) соҳани тартибга солиш мақсадларини аниқлаш учун давлат аралашуви зарурати таҳлил қилинади.

Давлат аралашуви зарурати асосан қўйидаги сабабларни ўз ичига олиши мумкин:

а) бозордаги мұваффақиятсизлик (масалан, бозор нархлари жамият учун реал харажат ва фойдани акс эттираслиги, ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар билан таъминланишининг етарли әмаслиги, рақобат мұхити етарли әмаслиги, ахборот етишмөвчилиги (жумладан, истеъмолчилар учун маълумот олиш имконияти чекланғанлиги ёки умуман йўқлиги);

б) иқтисодиётни барқарорлаштириш ва иқтисодий тангликтининг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш;

в) товар ва хизматлар бозорида монополлашувнинг олдини олиш;

г) тартибга солишнинг самарасизлиги (масалан, жамоат манфаатларига мос келмайдиган амалдаги тартибга солиш воситаси);

д) ижтимоий адолатни таъминлаш (масалан, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларидан ахолининг барча қатлами, айниқса, ахолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари фойдалана олиш имконияти);

е) ахолининг саломатлиги ва жамият хавфсизлиги учун хавф-хатар;

ё) атроф-мұхитни мұхофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш.

Тартибга солинаётган муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, давлат аралашуви зарурати бошқа сабабларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Давлат аралашуви бўйича ҳар бир сабаб батафсил асослантирилиши лозим.».

8) 2-боб қўйидаги мазмундаги 4<sup>1</sup>-параграф билан тўлдирилсин:

#### **«4<sup>1</sup>-§. Муқобил усулларнинг таъсир доирасини аниқлаш**

17<sup>1</sup>. Тартибга солинаётган соҳада вужудга келиши мумкин бўлган (ёки вужудга келган) ўзгаришларни, жумладан, ижобий ва салбий оқибатларни аниқлаш, салбий таъсирларни олдини олиш ёки юмшатиш мақсадида муқобил усулларнинг таъсир доираси аниқланиши лозим.

Бунда тартибга солиш усулининг иқтисодий соҳа, ижтимоий соҳа ва атроф-мұхитга таъсири ўрганилади.

17<sup>2</sup>. Тартибга солиш усули иқтисодий соҳада қўйидаги муносабатларга таъсир кўрсатиши мумкин:

а) иқтисодий ривожланиш, жумладан, яширин иқтисодиёт, инвестиция мұхити, ишлаб чиқариш (хизмат күрсатиш), импорт ва экспорт, товар ва хизматларнинг истеъмол даражаси, молиявий барқарорлик ва молиявий бозорлар;

б) тадбиркорлик, жумладан, тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш, лицензиялаш ва рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби ва талаблари-нинг ўзгариши, товарлар (хизмат күрсатиш) баҳоси ҳамда бошқа молиявий мажбуриятлар қийматининг ўзгариши;

в) кичик ва ўрта тадбиркорлик, жумладан, талаб ва мажбуриятларни бажариш йирик тадбиркорлик субъектларига нисбатан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун оғирлиги, маъмурий тўсиқлар (масалан, рўйхатдан ўтиш, лицензиялаш ва рухсат берувчи ҳужжатларни олиш), молиявий юк даражаси, бозор шартлари ва рақобат мұхити.

Тартибга солиш усулининг кичик ва ўрта тадбиркорликка таъсирини баҳолашда қўйидаги маълумотлар таҳлил қилинади:

соҳада тартибга солиш доирасига тушадиган тадбиркорлик субъектла-ри сони (Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичидаги (ИФУТ) кичик класс рақамини кўрсатган ҳолда қичик, ўрта ва йирик тоифалар кесимида) ва тартибга солиш воситасининг ҳар бир тоифа учун таъсир даражаси;

кичик ва ўрта тадбиркорликнинг тартибга солинаётган соҳадаги аҳамияти (масалан, ишлаб чиқаришдаги (хизмат кўрсатиш) улуши, бозордаги ўрни);

тартибга солиш воситасининг билвосита субъектлари (масалан, етказиб берувчилар, истеъмолчилар);

г) давлат бюджети ва фискал сиёsat, жумладан, давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ўзгариши, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари (масалан, субсидия, компенсация, дотация, давлат божи, солиқ ва божхона имтиёзлари), тартибга солиш ва назорат қилиш харажатларининг ортиши;

д) рақобат мұхити, жумладан, товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрса-тuvчи хўжалик юритувчи субъектларнинг (етказиб берувчиларнинг) доираси ва сони чекланиши, етказиб берувчиларнинг ўзаро рақобатлашиш имконияти чегараланиши, бозор муносабатларида ўзаро рақобатлашишга қизиқишининг пасайиши, янги технологиялар, маҳсулотлар ёки бизнес моделларини ама-лиётга жорий этишнинг чекланиши, истеъмолчилар учун керакли ахборотни танлаш имкони чегараланиши;

е) бандлик ва меҳнат бозори, жумладан, ишсизлик ва бандлик даражаси, муайян соҳаларда ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгариши, меҳнат шароитлари (шартлари) ва иш ҳақи, ходимларнинг малакасини ошириш ва касбга ўқитиш, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, норасмий бандлик.

Тартибга солинаётган муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бошқа таъсирлар ҳам таҳлил қилинади.

17<sup>3</sup>. Тартибга солиши усули ижтимоий соҳада (фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда) қўйидаги муносабатларга таъсир кўрсатиши мумкин:

а) ижтимоий адолат ва гендер тенглик, жумладан, шахсларни камситишига йўл қўйилмаслиги, ҳуқуқлардан аҳолининг барча қатлами (айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, болалар ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифалари) фойдалана олиш имконияти, таълим, ахборот олиш ҳуқуқи ва сўз эркинлигининг чекланмаслиги, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги, ҳуқуқ ва хизматлардан тўсиқсиз фойдаланиш;

б) камбаравлик даражаси, жумладан, тартибга солиш воситасининг ахоли (айниқса, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари) даромадларига ва ижтимоий тенгсизликка таъсири, иш ўринлари, ижтимоий хизматларга бўлган имкониятнинг чекланмаслиги, шахсларнинг меҳнатга бўлган муносабатининг ўзгариши, меҳнат муносабатларида ижтимоий тенглик ва инклюзивлик;

в) соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат, жумладан, аҳолининг барча қатлами (айниқса, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари) малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти, тиббий хизматлар ва дори воситалари ҳамда протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари нархининг ўзгариши, соғлом турмуш тарзига таъсиrlар, соғлом ва юқори озуқавий қийматга эга озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги.

Тартибга солинаётган муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бошқа таъсиrlар ҳам таҳлил қилинади.

17<sup>4</sup>. Тартибга солиш усули атроф-муҳит соҳасида қўйидаги муносабатларга таъсири кўрсатиши мумкин:

а) табиий ресурслар, жумладан, ресурслардан фойдаланиш барқарорлиги, уларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, сув ва сув ресурслари, ер майдонларини бошқариш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш;

б) ҳаво, сув ва тупроқ сифати, жумладан, ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиш даражасига таъсири, ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши (эмиссияси) ва оқава сувларни чиқариш стандартлари, шунингдек, атроф-муҳит сифатини назорат қилиш тартибларининг ўзгариши;

в) биохилма-хиллик ва экотизимлар, жумладан, биохилма-хилликни муҳофаза қилиш ва экотизимлар (масалан, ўрмонлар, сув ҳавзалари) холати, ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва ҳайвонлар турларига таъсири, экотизимларда кўрсатиладиган хизматлар доирасининг кенгайиши;

г) иқлим ўзгариши ва иссиқхона газлари чиқарилиши (эмиссияси), жумладан, энергия ресурсларидан саноат ва майший истеъмолда фойдаланиш натижасида ажралаётган иссиқхона газлари, ҳавфли моддалар ҳажмининг ўзгариши, энергия ресурслари самарадорлиги, иқлим ўзгаришига мослашиш;

д) чиқиндиларни бошқариш, жумладан, чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш, чиқиндилар ҳажмининг ўзгариши, сув ҳавзаларига ва жой рельефига заарли ташламаларни ташланиши;

е) инсон саломатлиги ва ҳаёт сифати, жумладан, ҳаво, сув, тупроқ ва шовқинли ифлосланиш даражасининг инсонларга таъсири, яшаш шароити ва сифатининг ёмонлашуви.

Тартибга солинаётган муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бошқа таъсирлар ҳам таҳлил қилинади.

17<sup>5</sup>. Тартибга солиш усули тегишли муносабатларда салбий таъсирга эга бўлган ва ушбу тартибга солиш усулисиз муаммони ҳал қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳар бир салбий таъсирни камайтириш, юмшатиш чоралари ишлаб чиқилиши лозим (масалан, оширилган тўловлар бўйича ахолининг эҳтиёжданд тоифалари учун чегирмалар ёки компенсация тўловлари).

Талаб ва мажбуриятларни таъминлаш кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун йирик тадбиркорлик субъектларига нисбатан оғирроқ бўлган тақдирда улар учун таъсир даражасини камайтириш, юмшатиш чоралари ва мослашувчан ёндашувлар мажбурий равишда кўриб чиқилади.».

9) 2-бобнинг 5-параграфи сарлавҳаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-§. Муқобил усулларни таҳлил қилиш методлари»;**

10) 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Муқобил усулларни таҳлил қилиш ва ўзаро таққослашда қўйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:

а) фойда ва харажатлар таҳлили методи, бунда тартибга солиш усуллари бўйича умумий фойда ва харажатлар ўрганилиб, улар ўртасидаги тафовут (соғ жорий қиймат) аниқланади ва харажати энг кам ва фойдаси энг кўп усул танланади;

б) харажатлар самарадорлиги таҳлили методи, бунда тартибга солиш усулларининг харажатлари ўзаро таққосланаб, харажати энг кам усул танланади. Ушбу метод асосан фойдани пул кўринишида ифодалаб бўлмайдиган соҳаларни (масалан, соғлиқни сақлаш, таълим, хавфсизлик) таҳлил қилишда фойдаланилади;

в) кўп мезонли таҳлил методи, бунда тартибга солиш усулларининг фойда ва харажатларини миқдорий кўрсаткичларда ҳисоблаш ёки ўзаро солиштириш имконияти бўлмаса, уларнинг таъсири мақсадлардан келиб чиқиб, тури мезонлар орқали аниқланади;

г) бошқа иқтисодий таҳлил усуллари.

Муқобил усуллар бўйича таҳлил натижалари қўйидаги мезонлар асосида ўзаро таққосланади ва улардан энг мақбул усул танлаб олинади:

натижадорлиги ва мақсадларга мутаносиблиги;

самарадорлиги;

давлат (соҳани ривожлантириш) стратегияларига (дастурларига) мувофиқлиги.

Фойда ва харажатлар таҳлилини амалга оширишда миқдорий кўринишда ифодалаш мураккаб ёки имконсиз бўлган фойда ва харажатларнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш амалга оширилади, бу ҳақда тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисботнинг тегишли майдонларида миқдорий баҳолашни амалга оширишнинг имкони йўқлиги асослари, шу жумладан, мавжуд чекловлар кўрсатилади.»;

- 11) 2-бобнинг 6-параграфи ўз кучини йўқотган деб топилсин;  
 12) 43-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли соҳаларга таъсирини баҳолаш мазкур Услубиётнинг 17<sup>1</sup> — 17<sup>5</sup>-бандларига мувофиқ амалга оширилади.»;

13) 45-банднинг тўртинчи хатбошисидан «оқибатларни прогнозлаштириш масалалари бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

- 14) 1-иловада:

3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Таклиф этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг (бундан бўён матнда лойиҳа деб юритилади) иқтисодий соҳа, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитга қандай салбий ёки ижобий таъсири мавжуд?»;

8-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

- 15) 2-илованинг 5-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ҳужжатдаги тартибга солишга оид қоидалар ва воситалар иқтисодий соҳа, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитга қандай салбий ёки ижобий таъсир кўрсатди?».

3. 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2 ва 3-иловаларига\* мувофиқ таҳрирда 3 ва 4-иловалар билан тўлдирилсин.

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**361** Bank xizmatlari iste'molchilari bilan o'zaro munosabatlarni amalga oshirishda tijorat banklarining faoliyatiga qo'yiladigan minimal talablar to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimcha kiritish haqida

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
11-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3030-9*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq Markaziy bank boshqaruvini **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2018-yil 28-apreldagi 16/18-sod qarori (ro'yxat raqami 3030, 2018-yil 2-iyul) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 03.07.2018-y., 10/18/3030/1440-sod) bilan tasdiqlangan Bank xizmatlari iste'molchilari bilan o'zaro munosabatlarni amalga oshirishda tijorat banklarining faoliyatiga qo'yiladigan minimal talablar to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimcha kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais**

**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 9-sentabr,  
28/1-sod

O'zbekiston Respublikasi  
 Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil  
 9-sentabrdagi 28/1-sonli qaroriga  
 ILOVA

**Bank xizmatlari iste'molchilar bilan o'zaro munosabatlarni  
 amalga oshirishda tijorat banklarining faoliyatiga qo'yiladigan  
 minimal talablar to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirish va  
 qo'shimcha**

1. 5-bob quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**"5-bob. Murojaatlarni ko'rib chiqishga qo'yiladigan talablar**

**1-§. Murojaatlar bilan ishlashga qo'yiladigan talablar**

47. Bank mazkur Nizomga va qonunchilik hujjatlariga muvofiq murojaatlarni ko'rib chiqish tartibiga ega bo'lishi hamda ushbu tartibda kamida quyidagilar nazarda utilishi lozim:

bankda murojaatlar bilan ishlashni tashkillashtirish;  
 murojaatlarni qabul qilish va ro'yxatga olish;  
 murojaatlarni ko'rib chiqish muddatlari va ularga javob berish;  
 murojaatlarni ko'rmay qoldirish va ko'rib chiqishni tugatish;  
 iste'molchilarni va ularning vakillarini qabul qilishni tashkil etish.

Bank tomonidan murojaatlarni ko'rib chiqish tartibining to'liq matni bankning rasmiy veb-saytida barcha uchun ochiq shaklda, shuningdek, bankning murojaatlarni qabul qilish manzillari (pochta va elektron manzillari, telefon raqamlari, ijtimoiy kanallardagi manzillar, mobil ilova va boshqalar) to'g'risidagi ma'lumotlar bank (filial)ning stendlarida iste'molchiga ko'rinarli joyda o'qish imkoniyati bo'lgan holda joylashtiriladi.

Iste'molchining talabiga muvofiq bank xodimi iste'molchiga murojaatlarni ko'rib chiqish tartibini tushuntirib berishi lozim.

48. Bank iste'molchining murojaat qilish huquqini cheklashga haqli emas va murojaatni qabul qilishni rad etishga yo'l qo'yilmaydi.

Bank tomonidan murojaatlarni ko'rib chiqish bepul amalga oshiriladi.

49. Bank iste'molchilarning murojaatlarini ko'rib chiqishi va ko'rib chiqish natijalari bo'yicha murojaat etuvchilarga javob berishi lozim.

Bank og'zaki, yozma yoxud elektron shakldagi murojaatlarni qabul qilish uchun sharoitlar yaratishi zarur.

Bank iste'molchilarga xizmat ko'rsatish ofislarida (yoki markazlarida), filiallarida va o'zining rasmiy veb-sayti orqali murojaatlarni qabul qilishni yo'lga qo'yadi. Bank rasmiy veb-saytining bosh sahifasida yoki saytning o'zgarmas yuqori qismida (ushbu sahifada) yaqqol ko'rinarli tarzda joylashtirilgan havola orqali to'g'ridan-to'g'ri o'tish mumkin bo'lgan boshqa sahifasida murojaatlarni qabul qilishni tashkil etadi.

Bank mobil ilovasida iste'molchilar tomonidan murojaat qoldirilishi uchun

imkoniyat yaratadi va/yoki murojaat yuborilishi uchun aloqa kanallarini ko'rsatishi kerak.

Bank iste'molchilar bilan telefon aloqasi orqali bog'lanishini ta'minlovchi Call-markazlarni tashkil etib, u orqali iste'molchilarga bank faoliyati bilan bog'liq maslahatlar va tushuntirishlar beradi hamda og'zaki shakldagi murojaatlarni qabul qiladi.

50. Telefon orqali murojaat etilsa yoki murojaatni ko'rib chiqish jarayonida telefon orqali murojaat qiluvchi bilan suhbatlashilsa, ushbu murojaatni keyinchalik ko'rib chiqishda foydalanish maqsadida iste'molchini oldindan xabardor qilgan holda suhbat maxsus (audio, video) texnika vositalari yordamida yozib olinishi mumkin.

51. Call-markaz telefonlarining raqamlari bank rasmiy veb-saytining bosh sahifasida, shuningdek, bank va uning filiallaridagi axborot stendlarida hamda bank (filial) binosidan tashqarida tashkil etilgan bank xizmatlari markazlari va kassalarning iste'molchiga ko'rinarli joyda o'qishga imkoniyati bo'lgan holda joylashtirilishi kerak.

52. Call-markaz orqali tushayotgan murojaatlar kamida ish vaqt davomida qabul qilinadi.

Bank kartasining emitenti bank kartasini saqlovchini bank kartasi yo'qolganligi va (yoki) bank kartasidan ruxsatsiz foydalilaniganligi to'g'risidagi xabarnomani tunu kun yuborish imkoniyati bilan ta'minlashi va ushbu xabarnoma olinganidan keyin bank kartasini darhol blokirovka qilishi shart.

53. Iste'molchining og'zaki murojaatida bayon etilgan masala qo'shimcha o'rganishni yoki qo'shimcha tekshirish o'tkazishni talab etmasa, ushbu murojaatga javob shaxsiy qabul davomida telefon orqali yoki axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda og'zaki berilishi mumkin.

Real vaqt rejimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda chat yoki bot orqali berilgan matnli murojaatda keltirilgan masala qo'shimcha o'rganishni yoki qo'shimcha tekshirish o'tkazishni talab etmasa, ushbu murojaatga axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda javob beriladi.

Agar iste'molchining mazkur bandning birinchi va ikkinchi xatboshlarda keltirilgan murojaatida bayon etilgan masalasi qo'shimcha o'rganishni talab etsa, iste'molchiga murojaatida keltirilgan holatlarni tasdiqlovchi hujjatlar ilova qilingan holda yozma yoki elektron shaklda taqdim etish taklif qilinadi.

54. Barcha yozma va elektron murojaatlar o'sha kunning o'zida, ish vaqt tugaganidan keyin kelib tushgan taqdirda esa keyingi ish kuni mazkur Nizomning 58<sup>15</sup>-bandida keltirilgan bankning elektron axborot tizimida ro'yxatdan o'tkaziladi.

Bankda murojaat, uni ko'rib chiqish natijalariga oid hujjatlar va unga berilgan javob xati murojaat kelib tushgan kundan e'tiboran kamida uch yil saqlanadi.

55. Bank iste'molchiga uning ro'yxatga olingan murojaati raqami va sanasi haqidagi ma'lumotni uch ish kuni ichida yozma yoki elektron yoxud SMS-xabarnoma orqali ma'lum qilishi kerak.

56. Murojaatlar bank rahbariyati (tegishli tartibda vakolat berilgan mansabdor shaxs) ko'rsatmasiga asosan belgilangan ijrochi tomonidan ko'rib chiqiladi.

57. Bank xodimining harakatlari yoki harakatsizligi ustidan kelib tushgan murojaat aynan ushbu xodimning o'ziga ko'rib chiqish uchun topshirilishi mumkin emas.

58. Murojaatlар bankka kelib tushган kundan e'tiboran o'n besh kundan kechiktirmay, qo'shimcha o'rganish va (yoki) tekshirish, qo'shimcha hujjatlarni so'rab olish talab etilganda esa bir oygacha bo'lgan muddatda ko'rib chiqilishi va yozma yoki elektron shaklda javob berilishi kerak.

58<sup>1</sup>. Bank murojaatlarni quyida keltirilgan asosiy tamoyillarga amal qilgan holda ko'rib chiqadi:

qonuniylik;

murojaatlarni o'z vaqtida va to'liq ko'rib chiqish;

murojaatlarga nisbatan talablarning bir xilligi;

iste'molchilarining huquqlari va qonuniy manfaatlariga rioya etilishi;

murojaatlarni ko'rib chiqishda byurokratizm va sansalorlikka yo'l qo'yilmasligi.

58<sup>2</sup>. Quyidagi murojaatlар ko'rib chiqilmaydi:

anonim murojaatlар;

jismoniy va yuridik shaxslarning vakillari orqali berilgan murojaatlар, ularning vakolatini tasdiqlovchi hujjatlar mavjud bo'lмаган тақдирда.

Murojaatlар ko'rmay qoldirilganda tegishli xulosa tuziladi, u bankning rahbari yoki vakolat berilgan mansabdor shaxsi tomonidan tasdiqlanadi.

Jismoniy va yuridik shaxs vakilining vakolatini tasdiqlovchi hujjatlar mavjud emasligi sababli murojaatlар ko'rmay qoldirilganligi to'g'risida murojaat etuvchi xabardor qilinishi lozim.

58<sup>3</sup>. Murojaatlarni ko'rib chiqish quyidagi hollarda tugatiladi:

agar takroriy murojaatlarda yangi vajlar yoki yangidan ochilgan holatlar keltirilmagan bo'lsa, ilgarigi murojaat materiallarida esa tekshiruvlarning to'la-to'kis materiallari mavjud bo'lsa va murojaat qiluvchiga belgilangan tartibda javoblar berilgan bo'lsa;

agar murojaat qiluvchi o'z murojaatini belgilangan tartibda chaqirib olgan bo'lsa yoki uni ko'rib chiqishni tugatish to'g'risida iltimos qilgan bo'lsa;

yashash joyi, turgan joyi (pochta manzili), elektron pochta manzili yoki boshqa rekvizitlari o'zgarganligi to'g'risida o'z vaqtida xabardor qilmaganligi tufayli chaqirishning imkonni yo'qligi sababli murojaatni murojaat qiluvchining ishtirokisiz ko'rib chiqish imkoniyati bo'lмагандаги;

murojaatni murojaat qiluvchining ishtirokisiz ko'rib chiqish imkoniyati mavjud emasligi sababli, bank yoki uning mansabdor shaxsi tomonidan chaqirilgan murojaat qiluvchi kelmay qolgan тақдирда.

Murojaatni ko'rib chiqishni tugatish to'g'risidagi qarorni bankning rahbari yoki uning vakolat berilgan mansabdor shaxsi qabul qiladi.

Takroriy murojaatni ko'rib chiqish ushbu bandning ikkinchi xatboshisiga muvofiq tugatilganda, murojaat qiluvchi takroriy murojaatning asossizligi va ushbu masala yuzasidan u bilan yozishmalar tugatilishi to'g'risida yozma ravishda xabardor qilinadi. Yozishmalar olib borish tugatilgan murojaat qiluvchidan takroriy murojaat kelib tushган тақдирда, bunday murojaatni ko'rib chiqish murojaat qiluvchini bu haqda xabardor qilmasdan tugatiladi.

Murojaatni ko'rib chiqish uni chaqirib olish to'g'risidagi ariza bo'yicha turgatilganda murojaat murojaat qiluvchiga bankning yoki bank mansabdon shaxsining xati bilan birga uch kun ichida qaytariladi. Murojaatni chaqirib olish to'g'risidagi ariza qonun, shuningdek, iste'molchilarning huquqlari va qonuniy manfaatlari buzilishlarini aniqlash va bartaraf etish yuzasidan chora-tadbirlar ko'riliishi istisno etmaydi.

Murojaat qiluvchi chaqirilgan jismoniy shaxsning yoki yuridik shaxs vakilining kelmay qolganligi sababli murojaatni ko'rib chiqishni tugatish to'g'risida xabardor qilinishi lozim.

58<sup>4</sup>. Bankning mansabdon shaxslari bankning rasmiy veb-sayti va axborot stendlarida joylashtirilgan jismoniy shaxslarni va yuridik shaxslarning vakillarini qabul qilish jadvaliga muvofiq iste'molchilarni shaxsan qabul qilishlari shart. Shaxsiy qabul bayonnomma asosida rasmiylashtiriladi yoki iste'molchini xabardor qilgan holda maxsus (audio va video) texnika vositalari yordamida ovozlar yozib olinishi yoki videotasvirga tushirilishi mumkin.

58<sup>5</sup>. Bankning mansabdon shaxslari tomonidan shaxsiy qabulni o'tkazishga doir talab bilan jismoniy shaxslardan va yuridik shaxslarning vakillaridan murojaatlar kelib tushganda, bank ushbu murojaatlar kelib tushgan sanadan boshlab yetti kundan kechiktirmagan holda murojaat qiluvchilarga bankning mansabdon shaxslariga qabul sanasi va vaqtin qabul qabul belgilanganligi to'g'risidagi, shuningdek ushbu qabulga kelganda bog'lanish uchun telefon raqamlari haqidagi ma'lumotlarni ko'rsatgan holda xabarnoma yuborishi lozim.

58<sup>6</sup>. Shaxsiy qabul masofaviy tarzda (videokonferensaloqa vositasi orqali) ham amalga oshirilishi mumkin.

58<sup>7</sup>. Iste'molchining murojaati yuzasidan yo'llanadigan javob xati bank rahbariyati (filial rahbari) yoki bu borada vakolat berilgan mansabdon shaxs tomonidan imzolanadi.

Agar bankka bir nechta (ikki yoki undan ortiq) shaxs tomonidan murojaat etilganda, agar murojaatda javobni boshqa shaxsga yuborish talab etilmagan bo'lsa, murojaat qiluvchilarning ro'yxatida birinchi ko'rsatilgan shaxsga yuboriladi.

58<sup>8</sup>. Murojaatlarga javoblar mumkin qadar murojaat etilgan tilda bayon qilinadi, javoblar murojaatda ko'rsatilgan har bir masala bo'yicha vajlarni inkor etuvchi yoki tasdiqlovchi aniq asoslarni (zaruratga qarab qonunchilik hujjatlari normalariga havolalar qilingan holda) o'z ichiga olgan bo'lishi kerak.

Murojaatga javob, uning kelib tushgan shaklidan qat'i nazar murojaatda ko'rsatilgan pochta manzilga yoki elektron manzilga yoxud iste'molchi va bank o'rtasida tuzilgan shartnomalarida kelishilgan manzilga imzolangan holda qog'oz yoki elektron ko'rinishida yuboriladi.

58<sup>9</sup>. Murojaat qiluvchining iltimosiga ko'ra bank murojaatga javobni uning mazmunini o'zgartirmasdan tushuntirishi, shuningdek yo'l qo'yilgan xatolar va arifmetik xatolarni o'z tashabbusiga ko'ra yoki murojaat qiluvchining iltimosiga ko'ra, murojaatga javobning mazmuniga daxil qilmagan holda tuzatishi shart. Bunda murojaatga javobni tushuntirish va uni tuzatish to'g'risidagi iltimos u kelib tushgan kundan e'tiboran o'n kun ichida ko'rib chiqiladi.

58<sup>10</sup>. Bank murojaatlarni ko'rib chiqishda qonunlar talablariga rioya etishi,

shuningdek, murojaatlarning to‘liq, xolisona va o‘z vaqtida ko‘rib chiqilishi uchun hamda iste’molchilarining buzilgan huquqlari va qonuniy manfaatlari himoya qilinishini va tiklanishini ta’minlash bo‘yicha o‘z vakolatlari doirasida choralar ko‘rishi shart.

58<sup>11</sup>. Bank murojaatlarni ko‘rib chiqishda murojaat qiluvchiga quyidagi huquqlarni taqdim etishi lozim:

    murojaatni ko‘rib chiqishning borishi to‘g‘risida axborot olish;

    vajlarni shaxsan bayon etish va tushuntirishlar berish;

    murojaatni tekshirish materiallari va uni ko‘rib chiqish natijalari bilan tanishish;

    qo‘srimcha materiallar taqdim etish yoki bunday materiallarni boshqa organlardan talab qilib olish to‘g‘risida iltimos qilish;

    advokat yordamidan foydalanish.

58<sup>12</sup>. Bankka iste’molchini, uning vakilini, ularning oila a’zolarini ular o‘z huquqlari va qonuniy manfaatlarini ro‘yobga chiqarish yoki himoya qilish maqsadida bankka yoki davlat organlariga, tashkilotlarga va ularning mansabdor shaxslariga murojaat etganligi, shuningdek murojaatlarda o‘z fikrini bildirganligi va tanqid qilganligi munosabati bilan ta’qib etish man etiladi.

58<sup>13</sup>. Bank murojaatlarni ko‘rib chiqishda quyidagilarga amal qilishi shart:

1) murojaatlar to‘g‘risidagi qonunchilik talablariga rioya etishi;

2) murojaat qiluvchiga uning huquqlari va qonuniy manfaatlariga daxldor hujjatlar, qarorlar va boshqa materiallar bilan tanishib chiqish imkoniyatini, agar ular qonun bilan qo‘riqlanadigan sir bo‘lgan ma’lumotlarni o‘z ichiga olmasa, uchinchi shaxslarning huquqlari va qonuniy manfaatlariga zarar yetkazmasa, ta’minlashi;

3) murojaat qiluvchiga ko‘rib chiqish natijalari hamda qabul qilingan qaror haqida murojaat ko‘rib chiqilganidan so‘ng yozma yoxud elektron shaklda darhol xabar qilishi, ommaviy qabullar vaqtida tushgan va joyida hal qilingan og‘zaki murojaatlar bundan mustasno;

4) murojaat yuzasidan qabul qilingan qarorga yoki murojaatni ko‘rib chiqish natijalaridan rozi bo‘lmasa, quyidagilarga shikoyat berish huquqi mavjudligi to‘g‘risida bankning javob xatida tushuntirish berishi:

    bankning tegishli ichki appelyatsiya organiga (agar mavjud bo‘lsa);

    suddan tashqari nizolarni muqobil hal qilish organlarga (agar mavjud bo‘lsa);

    O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankiga yoki moliyaviy xizmatlar iste’molchilarining huquqlarini himoya qilish vakolati berilgan davlat organlariga; sudga;

5) murojaatni ko‘rib chiqish natijalariga ko‘ra qabul qilingan qarorning ijrosini nazorat qilishi;

6) qonunga xilof harakatlarni (harakatsizlikni) bartaraf etish yuzasidan darhol chora-tadbirlar ko‘rishi, iste’molchilarining huquqlari va qonuniy manfaatlari buzilishini keltirib chiqaruvchi sabablar va sharoitlarni o‘z vakolatlari doirasida aniqlashi;

7) iste’molchi, uning vakili, ularning oila a’zolari ularning murojaatlari sababli ta’qib etilishini belgilangan tartibda bartaraf etishi;

8) agar iste'molchiga uning huquqlari va qonuniy manfaatlari buzilishi natijasida moddiy zarar yoki ma'naviy ziyon yetkazilgan bo'lsa, qonunchilikda belgilangan tartibda moddiy zararning o'rnnini qoplash yoki ma'naviy ziyonni kompensatsiya qilish choralarini ko'rishi shart.

58<sup>14</sup>. Bank Markaziy bank orqali kelib tushgan murojaatni qonunchilik hujjatlari va mazkur Nizom talablari asosida ko'rib chiqishi hamda murojaatga berilgan javob xati (xabarnoma) va/yoki uni ko'rib chiqishga taalluqli bo'lgan barcha hujjatlar nusxalarini murojaat qiluvchiga javob xati berilgan kuni Markaziy bankka taqdim etishi lozim.

## **2-§. Murojaatlar korib chiqilishini monitoring va nazorat qilish**

58<sup>15</sup>. Bank murojaatlarni ko'rib chiqish bo'yicha ichki nazoratni ta'minlashi kerak.

Bank kelib tushayotgan murojaatlarni axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yordamida ro'yxatga olish, qabul qilish, toplash, tasniflash va tizimlashtirish, shuningdek, ularning to'liq, o'z vaqtida hamda sifatli ko'rib chiqilishi ustidan monitoring va nazoratni amalga oshirish imkonini beruvchi mazkur Nizomning 4-ilovasida keltirilgan minimal talablarga javob beruvchi elektron axborot tizimini joriy qilishi lozim.

Bankning ichki nazorat tizimi iste'molchilarining shikoyatlarini qayta ishslash va uni hal etishdagi kamchiliklar va xatoliklarni o'z vaqtida aniqlashga qaratiladi.

Murojaatlarni ko'rib chiqish bo'yicha ichki nazoratni amalga oshiruvchi ichki audit xizmati kamida quyidagilarni amalga oshiradi:

bankda iste'molchilarining shikoyatlarini ko'rib chiqish va hal etish uchun huquqiy asoslar va tashkiliy jarayonlarning yetarlilagini baholash;

iste'molchilarining shikoyatlarini keltirib chiqaruvchi tizimli kamchiliklarni aniqlash jarayonlarini va ularni bartaraf etish maqsadida ko'rيلayotgan choralarни tahlil qilish va baholash;

bankning iste'molchilar huquqlarini himoya qilish siyosati samaradorligini baholash maqsadida bank xizmatlari va mahsulotlarini tavakkalchilikka asoslangan tekshirishlarni amalga oshirish.

58<sup>16</sup>. Bank muntazam ravishda kelib tushgan murojaatlarning statistik hisobini yuritadi. Statistik hisobga olishda kelib tushgan, ko'rib chiqilgan, qanoatlantirilgan, qanoatlantirish rad etilgan, ko'rmay qoldirilgan murojaatlarning soni, shuningdek, mazkur Nizomga muvofiq boshqa ma'lumotlar nazarda tutilishi kerak.

58<sup>17</sup>. Bank har chorak (yil) natijalariga ko'ra murojaatlarni umumlashtiradi va tahlil qiladi.

Murojaatlarni umumlashtirish va tahlil qilish natijalariga ko'ra ma'lumotnomalar (sharhlari) tuziladi, ularda murojaatlar bilan ishslashning umumiyoq ko'rsatkichlari, murojaatlarning turlari, soni va kelib chiqish sabablari, murojaatlarda tez-tez ko'tarilgan masalalar, murojaatlar bank xizmat turlari (mahsulotlari) bo'yicha qaysi hududlardan kelib tushishi, ushbu bank xizmatlari

iste'molchilar talablaridan kelib chiqib ularga mos ishlab chiqilganligi va iste'molchilar bilan adolatli munosabat qurilganligi to'g'risida tahliliy ma'lumotlar, murojaatlarni ko'rib chiqish yakunlari bo'yicha aniqlangan asosiy kamchiliklar va qoidabuzarliklar, iste'molchilarning huquqlari va qonuniy manfaatlari buzilishini keltirib chiqaruvchi sabablarni bartaraf etish maqsadida ko'rilgan chora-tadbirlar aks ettiriladi.

Bank boshqaruvi bank faoliyatining chorak (yil) natijalarini ko'rib chiqish to'g'risidagi o'z yig'ilishlarida bankda murojaatlar bilan ishslash holatini, shu jumladan murojaatlarni umumlashtirish va tahlil qilish natijalari bo'yicha ma'lumotnomalarni (sharhlarni), murojaatlarda ko'tarilgan salbiy holatlarni, tizimli kamchiliklarni va o'ziga xos tavakkalchiliklarni muhokama qilishi hamda iste'molchilarning huquqlari buzilishiga olib keluvchi tizimli kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha harakatlarini tasdiqlashi lozim.

Bunda, bank boshqaruvi qarorlari, shuningdek, murojaatlarni umumlashtirish va tahlil qilish natijalari bo'yicha ma'lumotnomalar (sharhlar) ichki audit xizmatiga taqdim etiladi. Ichki audit xizmati bankda murojaatlar bilan ishslash holatini tekshirish o'tkazish bo'yicha ish rejalarini tuzishda va monitoring faoliyatini amalga oshirishda foydalanadi.

Murojaatlarni umumlashtirish va tahlil qilish natijalariga ko'ra tuzilgan choraklik ma'lumotnomalar (sharhlar) hisobot choragidan keyingi oyning 20-sanasiga va yillik ma'lumotnomalar (sharhlar) fevral oyining 15-sanasiga qadar bankning rasmiy veb-saytlarida e'lon qilinishi shart.

Bank aksiyadorlarining yillik umumiyligi yig'ilishida tasdiqlanadigan yillik hisobotda bankning murojaatlar bilan ishslash faoliyati to'g'risidagi ma'lumotlar ham aks ettiriladi.

### **3-§. Murojaatlar bilan ishslash boyicha bo'linmani tashkil etish**

58<sup>18</sup>. Bank bosh ofisida murojaatlarni ko'rib chiqish uchun alohida bo'linmani (bundan buyon matnda Bo'linma deb yuritiladi) (bankning operatsion biznes bo'linmalaridan mustaqil) tashkil qiladi.

58<sup>19</sup>. Bo'linma xodimlari bankning murojaatlarni ko'rib chiqish tartibi doirasida shikoyatlarni o'rganish (surishtiruv o'tkazish) uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni olish, alohida holatlar va tizimli muammolar bo'yicha choralar ko'rish huquqiga ega bo'lishi, shuningdek, shikoyatning xususiyatiga ko'ra iste'molchilar bilan nizolarni hal qilish bo'yicha bir qator vakolatlarga ega bo'lishi kerak (huquqiy himoya qilish vositalariga, jumladan moliyaviy kompensatsiya qilish, shartnomalarni rad etish, to'xtatib turish yoki bekor qilish hamda bank tomonidan hisoblangan jarima yoki yig'imlarni bekor qilish yoki ulardan voz kechishlar misol bo'ladi) kechish kabi takliflarni bank boshqaruviga kiritish vakolatlarga ega bo'lishi kerak.

Bank shikoyatlar bilan ishlaydigan barcha xodimlar uchun murojaat qiluvchilarning avvalgi shikoyatlari haqidagi ma'lumotlarning ochiqligini ta'minlaydi.

58<sup>20</sup>. Bo'linma bank boshqaruvi raisi tomonidan nazorat qilinadi.

58<sup>21</sup>. Murojaatlar va ularning kelib chiqish sabablari bo'yicha hisobotlarni

tayyorlash Bo‘linmaning asosiy majburiyati bo‘lishi va bu hisobotlar har chorakda kamida bir marta bank Boshqaruviga taqdim etilishi shart.

58<sup>22</sup>. Bo‘linma:

shikoyatlarni ko‘rib chiqish bo‘linmasi tomonidan taqdim etilgan nizolarni hal qilish jarayonlarining yaxlitligini zarur tarzda ko‘rib chiqilishini ta’minalashga mas’ul bo‘ladi;

bank boshqaruviga hisobot berishga hamda shikoyatlarni o‘rganish (tekshirish) jarayonida aniqlangan bank faoliyatidagi kamchiliklarni tuzatish rejalarini ishlab chiqilishi va ularni amalga oshirilishi uchun javobgar hisoblanadi;

bankning xizmat ko‘rsatish ofislariiga/filiallariga kelib tushgan murojaatlarning belgilangan tartibda ko‘rib chiqilishini muvofiqlashtiradi.

58<sup>23</sup>. Bank boshqaruvi bankda murojaatlarni ko‘rib chiqish tartiblarini samarali joriy qilish uchun javobgar hisoblanadi, shuningdek, boshqaruv bankda majburiy qoidalar va ko‘rsatmalarga rioya etilishini ta’minalashi lozim.

58<sup>24</sup>. Bank shikoyatlarni ko‘rib chiqish uchun yetarli xodimlarga ega bo‘lishi va ularni doimiy (yillik) ravishda tegishli tarzda o‘qitishi lozim. Bunda o‘quv dasturi xodimlarning iste’molchilar huquqlarini himoya qilishga doir qonunchilik va bankning ichki hujjatlarini, bank mahsulotlari va xizmatlarini, shikoyatlarni ko‘rib chiqishda amal qilish lozim bo‘lgan jarayonlarni, ma’lumotlarni himoya qilish masalalarini bilishi va tushunishiga, shuningdek, vositachilik, muzokaralar olib borish, shaxsiy halollik va mijozlar bilan munosabatda bo‘lishida boshqa ko‘nikmalarini oshirishiga qaratilgan bo‘lishi kerak.

O‘quv tadbirlari o‘quv rejalarini va davomat varaqalarini, shuningdek, o‘qitish samaradorligini baholash va zaruriyatga ko‘ra tegishli tuzatishlar va takomillashtirishlar orqali nazorat qilinishi kerak. O‘quv dasturlari natijalarini baholash tizimi joriy qilinishi talab etiladi.

58<sup>25</sup>. Shikoyatlarni ko‘rib chiqish majburiyati yuklatilgan lavozimlarga tayinlanuvchi shaxs:

oliy iqtisodiy yoki yuridik ma’lumotga va tijorat bankining bank operatsiyalarini amalga oshirish bilan bog‘liq bo‘linmasida kamida ikki yillik ish stajiga ega bo‘lishi;

bank va moliya sohasidagi qonunchilik hujjatlarini bilishi shart.”.

2. Mazkur o‘zgartirish va qo‘srimchaning ilovasiga muvofiq tahrirdagi 4-ilova bilan to‘ldirilsin.

Bank xizmatlari iste'molchilar bilan o'zaro munosabatlarni amalga oshirishda tijorat banklarining faoliyatiga qo'yiladigan minimal talablar to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchaga  
ILOVA

“Bank xizmatlari iste'molchilar bilan o'zaro munosabatlarni amalga oshirishda tijorat banklarining faoliyatiga qo'yiladigan minimal talablar to'g'risidagi nizomga  
4-ILOVA

**Murojaatlarni ko'rib chiqish va ular bilan ishlash bo'yicha elektron axborot tizimiga qo'yiladigan  
MINIMAL TALABLAR\***

1. Murojaatni ro'yxatga olish. Axborot tizimida bankning bosh ofisiga, hududlardagi bo'linmalariga (filial yoki bank xizmatlari ofisi) kelib tushgan murojaatlar bo'yicha quyidagi ma'lumotlar ro'yxatga olinadi:

murojaatning shakli (yozma, elektron, og'zaki);

murojaatning turi (ariza, shikoyat, taklif);

murojaatning sanasi va raqami;

murojaatning bankka kelib tushgan sanasi;

murojaatning ro'yxatga olish sanasi va raqami;

murojaatga berilgan identifikatsiya raqami;

murojaatni ro'yxatga olgan bank bo'linmasining nomi (filial yoki bank xizmatlari ofisi) va raqami, xodimning ismi-sharifi va lavozimi;

murojaat manbasi (murojaat qiluvchidan to'g'ridan to'g'ri, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi (O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Xalq qabulxonasi, Virtual qabulxonasi, murojaat.gov.uz), O'zbekiston Respublikasining Oliy Majlisi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi, O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki, vazirlik, idoralar va qo'mitalar (nomi ko'rsatilishi kerak), sud va huquqni muhofaza qiluvchi organlar (nomi ko'rsatilishi kerak), ommaviy-axborot vositalari va ijtimoiy tarmoqlar, nodavlat va notijorat tashkilotlari (nomi ko'rsatilishi kerak) va boshqa manbalar (bank lozim deb topgan taqdirda manbalar ro'yxati qo'shimcha qilinishi mumkin) orqali kelib tushgan);

murojaatning takroriyligi, dublikatligi yoki birinchi martaligini qayd etish;

murojaat qiluvchining shaxsi (jismoniy shaxs, yuridik shaxs, tadbirdorlik faoliyatini yuridik shaxs tashkil etmagan holda yuritayotgan jismoniy shaxs);

murojaat qiluvchining familiyasi, ismi va otasining ismi (yuridik shaxsning nomi va uning nomidan imzolagan shaxsning F.I.O), murojaat etuvchini identifikatsiya qiluvchi ma'lumotlar (STIR, murojaat qiluvchining telefon raqami, elektron pochtasi);

murojaat vakil orqali berilganligi (ha/yo'q) hamda vakilning F.I.O;

murojaat qiluvchi kichik tadbirdorlik subyekti ekanligi (ha/yo'q);

murojaat qiluvchining (yuridik shaxs nomidan imzolagan shaxsning) jinsi (ayol/erkak);

murojaat qiluvchining (yuridik shaxs nomidan imzolagan shaxsning) yoshi;

murojaat qiluvchining yashash manzili va hududi (yuridik shaxsning manzili) (viloyat, tuman va boshqalar) belgilash.

Murojaatlarni ro'yxatga olish — murojaat kelib tushgan bankning bosh ofisi yoki hududlardagi bo'linmalarining (filial yoki bank xizmatlari ofisi) vakolat berilgan mas'ul xodimlari tomonidan amalga oshiriladi.

Bankning bosh ofisiga, hududlardagi bo'linmalariga (filial yoki bank xizmatlari ofisi) kelib tushgan murojaatlar bir marta ro'yxatga olinishi lozim, ya'ni bosh ofisdan (yuqori turuvchi tuzilmadan) ko'rib chiqish uchun quyi tarkibiy tuzilmasiga (filial yoki bank xizmatlari ofisi) yuborilgan murojaat ushbu tarkibiy tuzilmasi tomonidan ro'yxatga olinmaydi.

Bunda elektron axborot tizimda bankning barcha ro'yxatga olgan murojaatlari yagona baza sifatida bankning bosh ofisiga ko'rinishi turishi kerak.

Murojaatni ro'yxatga olishda tizim murojaat qiluvchining ismi-sharifini (STIR) solishtirish orqali bank tizimiga avval ushbu murojaat qiluvchining murojaati mavjudligini tekshiradi va natijasi bo'yicha ma'lumot taqdim etadi. Shunga ko'ra, ro'yxatga oluvchi kelib tushgan murojaatni takroriyligi, dublikatligi yoki birinchi martaligini qayd etadi.

2. Murojaat mazmunini yoritish. Bunda quydagilar inobatga olinishi kerak:

murojaatda keltirilgan bank xizmati bankning qaysi xizmat ko'rsatish kanali (mobil ilova, bank sayti, telefon, ijtimoiy tarmoqlar, bank agentlari, bank binosi va boshqalar) orqali ko'rsatilganligini belgilash;

murojaatda qayd etilgan bank xizmati (operatsiya) turini (kredit, mikrokredit, mikroqarz, onlayn mikroqarz, kredit karta, overdraft, lizing, iste'mol krediti, avtokredit, ipoteka krediti, ta'lim krediti, oilaviy tadbirkorlik bo'yicha imtiyorli kredit, kafillik, garov, sug'urta, omonat va depozitlar, onlayn omonat, milliy valyutadagi bank kartalari, xorijiy valyutadagi bank kartalari, valyuta ayirboshlash, xalqaro pul o'tkazmalari, valyuta amaliyotlari, bank hisobvarag'iga xizmat ko'rsatish, kassa xizmatlari, bir martalik chakana to'lovlarni amalga oshirish, bankomat, mobil ilova, veb-sayt, call-markaz, murojaat va qabul masalasi, bank xodimlarining xatti-harakatlari, bank xodimlarining malakasini va boshqalar) belgilash;

murojaatda ko'tarilgan masalalarni umumlashtirish maqsadida bank xizmati (operatsiya) turi bo'yicha murojaat masalalari ro'yxatini shakllantirish va uni tanlash imkoniyatini yaratish;

bankning mas'ul xodimi tomonidan murojaat bilan tanishib chiqqan holda "Ro'yxat"ga qo'shimcha ravishda murojaatda ko'tarilgan masala (muammo) mazmunini (qo'lida yoki dasturiy ta'minot orqali) kiritish;

murojaatning pdf-faylini yoki/va word matnini ko'rish imkoniyatini yaratish; murojaatda qayd etilgan bank nomi;

murojaatda qayd etilgan bank tuzilmasining (bosh ofis, filial yoki bank xizmatlari ofisi) nomi, kodi, ularning joylashgan manzilini (viloyat va tuman), murojaatda keltirilgan bank xodimlari ismi-sharifini belgilash.

Dasturning ushbu bo‘limi murojaat kelib tushgan bankning bosh ofisi yoki hududlardagi bo‘linmalarining (filial yoki bank xizmatlari ofisi) vakolat berilgan mas’ul xodimlari tomonidan to‘ldiriladi.

3. Murojaatlarning ko‘rib chiqilishini tashkil etish (monitoring). Bunda quyidagilar inobatga olinishi lozim:

    murojaatni bevosita ko‘rib chiqayotgan tarkibiy tuzilma va xodimlarni belgilash;

    murojaatda ko‘tarilgan masala (muammo) yuzasidan taalluqli bo‘lgan bankning boshqaruv raisi o‘rinbosarini belgilash;

    murojaat yuzasidan kim bilan va qachon yozishmalar olib borilganligi to‘g‘risida ma‘lumotlarni ko‘rsatish, ularning pdf-faylini yoki/va word matnini ko‘rish imkoniyatini yaratish;

    murojaatning ko‘rib chiqish muddatini belgilash;

    murojaatni ko‘rib chiqishni uzaytirilgan muddatini belgilash;

    murojaatni ko‘rib chiqish bosqichi (ko‘rib chiqish jarayonida, to‘liq ko‘rib chiqildi).

Murojaat ko‘rib chiqish uchun bankning Bosh ofisidan (yuqori tarkibiy tuzilmasidan) quyi tarkibiy tuzilmalariga dasturiy ta’milot orqali yuborilishi va ushbu harakatlarni dasturda amalga oshirish imkoniyati yaratilishi kerak.

Dasturning ushbu bo‘limida keltirilgan vazifalarni murojaat kelib tushgan bankning bosh ofisi yoki hududlardagi bo‘linmalarining (filial yoki bank xizmatlari ofisi) vakolat berilgan mas’ul xodimlari tomonidan amalga oshiriladi.

4. Murojaatni ko‘rib chiqish natijasi. Bunda quyidagilarni inobatga olinishi shart:

    a) murojaatda keltirilgan vajlarning tasdiqlanganligi yoki tasdiqlanmaganligi;

    b) murojaat qiluvchining huquqi buzilganligi holati (Buzilgan/Buzilmagan);

    d) murojaat qiluvchiga yuborilgan javob xati raqami va sanasi;

    murojaat qiluvchiga yuborilgan javob xatining hamda murojaatni o‘rganish davomida rasmiylashtirilgan tegishli hujjatlarning (dalolatnoma, ma‘lumotnomalarining) pdf-faylini yoki/va word matnini ko‘rish imkoniyatini yaratish;

    e) murojaatda keltirilgan masalani hal etish holati:

    qanoatlantirilgan, masala qanday hal qilinganligini to‘liq yoritish lozim;

    qanoatlantirish rad etilgan, rad etilganligining sabablarini yoritish lozim;

    tushuntirish berilgan, tushuntirishning asosiy jihatlarini yoritish lozim;

    murojaat vakolati doirasiga kirmasligi sababli boshqa tashkilotga yuborilgan, qaysi tashkilotga yuborilganligini va uning sababini yoritish lozim;

    murojaatni ko‘rmay qoldirish yoki murojaatni ko‘rib chiqishni tugatish bo‘yicha qaror qabul qilinganligini qayd etish va ularni rasmiylashtirish hujjatlarining pdf-faylini yoki/va word matnini ko‘rish imkoniyatini yaratish.

Dasturning ushbu bo‘limini murojaatni ko‘rib chiqayotgan bankning bosh ofisi yoki hududlardagi bo‘linmalarining (filial yoki bank xizmatlari ofisi) vakolat berilgan mas’ul xodimlari tomonidan to‘ldiriladi.

5. Murojaat ko‘rib chiqilishini nazorat qilish. Bunda, quyidagilarni inobatga olinishi shart:

murojaat ko'rib chiqilishini muddat nuqtai nazaridan nazorat qilish (bunda tegishli hisobot shakllanishi va ijro muddati yaqinlashayotganligini xabar beruvchi ma'lumot chiqarilishi lozim);

murojaatni ko'rib chiqish bosqichi "ko'rib chiqildi" jarayonidagi murojaatlar qonunchilikka muvofiq, mazmunan, to'liq va o'z vaqtida ko'rib chiqilganligi tekshiriladi va nazoratdan chiqariladi. Aks holda, murojaat qayta ko'rib chiqish bo'yicha tegishli e'tiroz xati rasmiylashtiriladi.

Dasturiy ta'minotda murojaatni qonunchilik hujjalariга rioya etmagan holda ko'rib chiqqan bank xodimiga ko'rilgan har bir intizomiy choralar kiritilishi lozim. Bunda xodimiga ko'rilgan choralar yuzasidan chiqarilgan buyruqning pdf-fayli bilan tanishish imkoniyati bo'lishi lozim.

Dasturning ushbu bo'limida keltirilgan vazifalarni bosh ofisining vakolat berilgan mas'ul xodimlari tomonidan amalga oshiriladi.

6) Mazkur dasturda bankka kelib tushgan murojaatlarni tahlil etish, tegishli qarorlar qabul qilish va bankda tizimli kamchiliklarni aniqlash uchun tegishli (hudud, tuman, filial, bank xizmatlari (mahsulotlar) turi, murojaat masalalari, davr, sanalar va boshqa ko'rsatkichlar qirqimida tahliliy) hisobotlarni shakllantirish imkoniyatini beruvchi funksiya yaratilishi zarur.

Dasturning ushbu bo'limida keltirilgan vazifalar bosh ofisning vakolat berilgan mas'ul xodimlari tomonidan amalga oshiriladi.

7) Elektron axborot tizimi to'liq axborot xavfsizligi ta'minlangan holda yuritilishi lozim.

*Izoh: axborot tizimida ro'yxatga olinishi lozim bo'lgan, ma'lumotlarni tanlash orqali ko'rsatish imkoniyati yaratiladi".*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**362** Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган отинойиларга махсус лицензиялар бериш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
11 октябрдан ўтказилди, рўйхат рақами 978-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси томонидан 2000 йил 16 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган отинойиларга махсус лицензиялар бериш тартиби (рўйхат рақами 978, 2000 йил 16 октябрь) ўз кучини йўқотган деб топилсан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**С. ТОШБОЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 октябрь,  
2-сон

*Келишилди:*

**Ўзбекистон маҳаллалари  
уюшмаси раиси**

**K. КУРАНБАЕВ**

2024 йил 30 сентябрь

**Оила ва хотин-қизлар  
қўмитаси раиси**

**O. ПАРПИБАЕВА**

2024 йил 17 сентябрь

**Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси раиси, муфтий**

**H. ХОЛИҚНАЗАР**

2024 йил 16 сентябрь

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий хужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi direktorining 2024-yil 9-sentabrdagi 2024/4-son “Yolg‘iz keksalar va nogironlarni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi tizimidagi “Muruvvat” internat uylariga rasmiylashtirish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar va qo‘srimcha kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

**2024-yil 7-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2785-3.**

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 21 августдаги 167-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги буйруғи.

**2024 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1111-2.**

3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 21 августдаги 168-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

**2024 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3558.**

4. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 4 сентябрдаги 8-сон “Акциядорлик жамиятлари ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режасини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

**2024 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3559.**

5. O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasining 2024-yil 27-sentabrdagi 03/05-05/01-son “Iste’molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o‘rganish, ko‘rik) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

**2024-yil 11-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2196-4.**

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 10 октябрдаги 27-мх-сон “Норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган

норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

**2024 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3292-1.**

7. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 9-sentabrdagi 28/1-son “Bank xizmatlari iste’molchilar bilan o‘zaro munosabatlarni amalga oshirishda tijorat banklarining faoliyatiga qo‘yiladigan minimal talablar to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimcha kiritish haqida”gi qarori.

**2024-yil 11-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3030-9.**

8. Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 2 октябрдаги 2-сон “Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган оти-нойиларга махсус лицензиялар бериш тартибини ўз кучини ўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

**2024 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 978-1.**

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сон “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1111, 2002 йил 14 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1111-1, 2006 йил 19 июнь).

**2024 йил 7 октябрда давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси томонидан 2000 йил 16 октябряда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган оти-нойиларга махсус лицензиялар бериш тартиби (рўйхат рақами 978, 2000 йил 16 октябръ).

**2024 йил 11 октябрда давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартериш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**